ОНАНГИЗГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ...

Аввал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга, сўнг отангизга яхшилик қилинг!

***

Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналарингдир, қизларинг, холаларингдир.

***

Чин муслим ва муслималар оламида илк қадам аёл зотини эъзозлаш ила бошлангувчидир. Ҳар кимнинг ўз жуфти ҳалоли ўзи учун бир покиза Каъбадир. Гина ва кудуратларни бир четга суриб, аёл зоти қанча паст келса, ўз қадрини шунча оширгай.

***

Вафо жавҳарига эга аёл ўз қадрини эл-улус қадрида деб билгай. Вафо водийсидан ўтганларга ўтда покланмоқлик шодиёнаси муборакбод бўлгай.

***

Тўғри сўз аёл жаннат топган аёлдир. У ўз тўғри сўзи туфайли хотиржамдир.

***

Туркий қавм аёллари кўз ёшларини ўз сиртларига тўкиб жилмайганлар, оғриқни писанд қилмаганлар.

***

Онанинг ўз фарзанди қошида бир тун мижжа қоқмай чиққанини фарзанд етмиш йил бедор бўла туриб ҳам уза олмагай. Она меҳри ҳамиша улуғдир.

***

Тандир қошида нон ёпаётган аёл эл-улус ризқини сўрасин — уйи нонга тўлгай, ёпган нонини қўшнисига илинсин, нонга зор бўлмагай, уйидан баракат кўтарилмагай.

6-бет

БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН - ҚИЗЛАРИГА!

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрами билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз. Бу йил мазкур шодиёнанинг она-Ватанимиз мустақиллигининг 5 йиллигига тайёргарлик ўзининг қизғин палласига кирган пайтда ўтаётганлиги унга алоҳида тароват, алоҳида сайқал бахш этмоқда.

Кутлуғ байрам айёмида ҳаммангизга оналик меҳрингиз, ҳур Ўзбекистон равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингиз, ўтиш даври қийинчиликларига чидам, сабот ва бардошингиз, меҳр-мурувватингиз, қалб саховатингиз, оилавий бурчга садоқатингиз ҳамда фарзандларингизга чексиз муҳаббатингиз учун таъзим қиламиз.

Сизлар, юртбошимиз — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотлар, янгиланиш йўлидан дадил бораётган мамлакатимизда, янги жамият бунёдкорларининг олдинги сафларида бораётирсиз. Қадим-қадимлардан бутун дунёда, жумладан, Шарқда, меҳрибонлик, мушфиқлик, вафодорлик тимсоли ҳисобланган аёл, бугун, озод диёримизда, айни пайтда — ўқитувчи, чорвадор, олима, шифокор, тадбиркор, раҳбардир. Биз мамлакатимиз хотин-қизларини партиямиз фаоллари, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий Кенгашлари депутатлари сифатида ҳам биламиз, қадрлаймиз. Хусусан, олижаноб, эзгу ниятлар, ўзининг нурли истиқболи томон одимлаётган давлатимизнинг келажаги — ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом, юксак ахлоқ соҳиби — комил инсонлар қилиб вояга етказиш ишига қўшаётган ҳиссангиз бебаҳодир.

Азиз юртимизнинг меҳрибон онахонлари, иболи хотин-қизлари!

Сизларни гўзаллик ва нафосат байрамингиз билан табриклар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, фаровонлик, саодатли умр тилаймиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 7 март, пайшанба № 29-30 (21.951).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш манфаатларини кўзлаб, болали оилаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтириш, ёш авлодни камол топтириш ва тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида:

1. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб 16 ёшгача бўлган боласи бор оилаларга ҳар ойлик нафақалар миқдорлари оширилсин ва улар энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан қуйидаги миқдорларда белгилансин:

бир нафар боласи бор оилаларга — 40 фоиз;

икки нафар боласи бор оилаларга — 80 фоиз;

уч нафар боласи бор оилаларга — 120 фоиз;

тўрт нафар ва ундан кўп боласи бор оилаларга — 150 фоиз.

2. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойлик нафақалар миқдорлари кўпайтирилсин ва улар энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида белгилансин.

3. Болалик оилаларга кўрсатиб ўтилган нафақалар миқдорларининг оширилиши билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда республика давлат бюджети ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги энг кам ойлик иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари миқдорларини ошириш юзасидан ўн кун муддатда таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сон Фармони 4-бандининг бола икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш учун оналарга нафақалар миқдорига доир биринчи хат боши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ-1288-сон Фармонининг 1-банди 1996 йил 1 апрелдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 4 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

БОЗОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат ва буюм бозорларини бошқаришни тартибга солиш, бозорларда савдони ташкил этишни ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни яхшилаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ва республика туманлари (шаҳарлари) ҳокимликларининг:

деҳқон ва буюм бозорлари, ярмаркалари негизида бошқаришнинг намунавий тузилмасига эга бўлган очиқ турдаги акционерлик жамиятларини ташкил қилиш, бозор дирекцияси ходимлари сонини (ҳисоб-китоб ходимларидан ташқари) 5 нафардан 17 нафаргача этиб белгилаш;

акцияларнинг назорат пакетини туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ёки уларнинг ваколатли органларига, шу жумладан, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ташкилотлари улушларини сотиб олиш ҳисобига, бириктириб қўйиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда бозорлар ва ярмаркалар негизида ташкил этиладиган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг намунавий уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Маълумот учун қабул қилинсинки:

ташкил этилаётган акционерлик жамиятларининг кузатув кенгашини, бошқарувини ва тафтиш комиссиясини акционерларнинг умумий мажлиси сайлайди;

бозорлардаги мулкдан фойдаланишдан, хизматлар кўрсатишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олишни ташкил этиш ва маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳисоботларни юритиш билан шуғулланувчи ходимлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, акционерлик жамияти бошқаруви томонидан тайинланадилар.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республика Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Тошкент шаҳри бозорлари ва ярмаркалари акционерлик жамиятлари уюшмасининг тузилмасини ва уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом тасдиқлансин.

5. Бозорлар ва ярмаркалар ҳузурида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа истеъмол товарларини, шу жумладан, узоқ муддатли фьючерс контрактлари асосида улгуржи харид қилишни йўлга қўйиш бўйича ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Кўрсатиб ўтилган ихтисослаштирилган бўлинмалар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд пулларнинг 15 фоизгачасини маҳсулотларни бевосита ишлаб чиқарувчилардан харид қилишни ташкил этиш учун мазкур бўлинмалар ихтиёрида қолдиришга рухсат берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: туман (шаҳар) ҳокимлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ҳудудий бўлинмалари, ҳудудларида бозорлар жойлашган фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари вакилларидан иборат таркибда аттестация комиссияларини тузсинлар. Бир ой муддатда деҳқон ва буюм бозорлари директорларини уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳамда ташкил этиладиган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг мансабдор шахсларини тайинлаш учун номзодларни тавсия этиш ҳақидаги масалаларни ҳал қилиш мақсадида аттестациядан ўтказсинлар;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда бозорлар ва ярмаркалар негизида очиқ турдаги акционерлик жамиятларини, йирик шаҳарларда эса уларнинг уюшмаларини ҳам ташкил этишни таъминласинлар. Мазкур бандининг бажарилиши тўғрисида 1996 йилнинг 1 майигача ахборот берсинлар;

Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси ва тижорат банклари ҳудудий бошқармалари билан биргаликда акцияларнинг назорат пакетини туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига босқичма-босқич сотиш механизмини, шунингдек, ишлаб турган бозорларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуришга йўналтирилган илгари олинган кредитларни қайтариш манбаларини аниқласинлар;

бозорлар ва ярмаркалар билан, шу жумладан, фьючерс контрактлари асосида тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларини амалга оширишдан манфаатдор хўжаликлар ва хусусий тадбиркорлар рўйхатини аниқласинлар. Бозорлар, ярмаркалар маъмуриятлари ва қишлоқ хўжалиги товарлари етказиб берувчилар ўртасида контрактлар тузилишини таъминласинлар, бунда ҳосилни йиғиб олишни, идишлар билан таъминлашни, транспортда ташишларни ташкил қилиш ва маҳсулот етказиб беришлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ барча масалалар мажмуини ҳал этишни назарда тутсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

Қарорнинг қандай бажарилаётгани шу йилнинг июль ойида ва 1996 йил якунлари бўйича кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1996 йил 5 март.

УМИД ОРЗУЛАРИ САРАФРОЗ БЎЛГАЙ

Меҳр кўзда, дейишгани рост-да. Кўз-кўзга тушганда меҳр товланади, дил яйрайди. Юракдаги гаплар тилга кўчади. Инсон инсон бўлиб яралибдики, бир калима ширин сўз илинжида яшайди. «Тангри наздида одамларга кенг қалбли бўлган, биров-бировдан хабар олиб турувчилар савоб иш қилгувчи бандалардир», дейилади Ҳадиси Шарифда. Шундай савобга не етсин! Имкон бўлса қанийди, ҳафта оралатиб яқинларингдан хабар олиб турсанг. Хизматчилик, уй-рўзғордан бизга ато этилган йигирма тўрт соатни ҳам гоҳо юмушларимизга етказа олмаймиз. Зеро, ҳеч бўлмаганда байрам кунлари шундай савобдан бебаҳра қолмайлик азизлар. Бировнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб, кўнгил сўраш билан аввало меҳрга ташна одамнинг меҳри қонади. Бундан ўзингизнинг ҳам дилингиз қувнайди. Кимнингдир кўнглини олганингиздан, савоб иш қилганингиздан яйраб кетасиз.

Кўркам баҳорнинг илк айёми — аёллар байрами арафасида Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Шотурсун Ғуломов номли маҳаллада Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март шарафига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари даставвал маҳалладаги бир қанча эҳтиёжманд, кам таъминланган хонадонларга ташриф буюриб, онахонларга байрам совғалари топширдилар.

Мўътабар, мунаввар, мукаррам, муҳтарам...

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

Уруш қатнашчиси, бир неча йилдан буён ётиб қолган турмуш ўртоғини оқ ювиб, оқ тараб ўтирган Баҳри опа Соқиева кўзларида миннатдор севинч ёшлари кўрганимизда савоб ишни ҳар ким, ҳар куни — нафақат байрамларда, имкон қадар тез-тез қилиши лозимлигини сездик. Раҳбар опа Пўлатова тўрт нафар фарзандига бевақт оламдан ўтган отаси ўрнига ҳам ота, ҳам она бўлиб, уларни гард юқтирмай катта қиляпти. Хонадонга кириб келган меҳмонларга пешвоз чиқар экан «Мени сийлаб келибсизлар, сизларни Худойим сийласин», дея ўз хурсандчилигини яширолмаётган опанинг дил сўзлари, фарзандларнинг юзидаги табассуми дунёдаги ҳамма нарсадан қимматлироқ эканини ҳис этдик.

Ана шундай кам таъминланган оилалардан Гулнора Ҳакимова, Миркарим Қори ота хонадонларида бўлганимизда ҳам одамлар кўнглини олиш, уларга далда бўлувчи бир оғиз ширин сўз айтиш, айниқса, ҳозирги иқтисодий тақчиллик сезилаётган кунларимизда нақадар савоб эканлиги билинди.

Маҳаллада бўлиб ўтган байрам тадбири баҳорни, гулларни соғинган оналаримиз, опа-сингилларимиз учун ҳаяжонли кеча бўлди. Мевазор, Хирмонтепа, Иккинчи Қатортол маҳаллаларининг кўпни кўрган онахонлари, туман хотин-қизлар қўмитасининг фаоллари кечанинг азиз меҳмонлари бўлишди. Уларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Шукур Темуров, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Диловар Қобулова ва Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шонли айём билан қутлаб, ўзларининг энг эзгу тилакларини изҳор қилдилар.

Тумандаги Нодирабегим маданият уйи бадиий ҳаваскорлари кечага файз киритдилар. Учрашув сўнггида Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари Обид Аҳмедов ушбу тадбир ташкилотчиларига самимий миннатдорчилик билдирди. Кечада республика Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Гулнора Йўлдошева ва мамлакат парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова қатнашдилар.

Умида ФАЙЗИЕВА, Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Муносабат

ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Биз экган дарахтлар тўрт марта гуллади. Олди ҳосилга кирдиям. Ҳосили бўлиқ-бўлиқ, мазали, ширин бўлди. Ҳали таъми кетгани йўқ.

Бу ёқда яна Ўзбекистон остонасидан БАҲОР отлиг улкан Қувонч ҳатлаётир. Унинг қадами қутлуғ келаётганини майин ва ифорли ҳаволари сездиряпти. Булар осмоний гаплар эмас. Булар ҳар биримиз кўриб-билиб турган оддийгина кунгил эътирофлари. Яна ташқарига қарайсиз...

У ёқдан эса ғалати овозлар келади: «Кеча Москвада Белорусь Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари учрашдилар. Александр Лукашенко Евроосиё иттифоқи тузиш масаласи ҳақида ўйлаб кўришни таклиф этди. Шундай иттифоқ тузилса, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳам қўшилиши мумкинлиги айтилди...»

Бу кеча ё бугун айтилган гап эмас. Икки йил аввал ҳам худди шундай оҳанглаги «ашула» қуйланган эди. Яна янгича мақомда бошлашяпти чоғи. Ҳатто айнан Евроосиё иттифоқи масаласини айрим анжуманларда аллақандай «Интеграция — 2000» деб номланган концепциялар атрофида булаётган баҳслар ва мазкур иттифоқнинг яқин йилларда амалга ошириладиган айрим тамойиллари хусусидаги сафсаталарини эшитиб... Ёқангизни ушлайсиз. Ишониб ишонмайсиз. Ё тавба, нималар бўл-ятти? Улар қайси байроқни қумсашяпти? Бу овозлар қаёқдан, ер устидан келяптими, ё?... Ўйланиб қоласиз.

Мен не дейман, қўбизим не дейди? Ва яна нигоҳингизни УЗИМИЗНИНГ УЙИМИЗга ташлайсиз: Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда Президентимиз ўтган йили эришилган яхши натижаларни бирма-бир санаганда бошимиз осмонга етди. Ана шунда... Янгича «иттифоқ»нинг ашаддий тарафдори бўлмиш Белорусь Республикасида эришилган натижаларга кўзимиз тушади. 1995 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми бу мамлакатда 61 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 99,9 фоиз! Президентимиз алоҳида таъкидладилар ҳам: **«Биз амалда ҳали иттифоқ пароканда бўлмасдан саноат бир маромда ишлаган даврдаги тараққиёт даражасини қўлга киритдик.»**

Шу ўринда юқоридаги таҳлилларни келтириш билан бирга юртбошимиз аниқлик киритиб айтдилар: «Бу кўрсаткичларни биз ўзимиз чиқарганимиз йўқ. Бу кўрсаткичлар Ҳамдўстлик мамлакатлари давлатлараро статистика комитетининг 1995 йил якунларига бағишланган расмий ҳужжатларидан олинди».

Сизга яна қандай шарҳ керак? Ҳаммага ойдай равшан ҳақиқатлар шулар эмасми? Йўқ, улар яъни янги «иттифоқ» тарафдорлари асло ўзгаларни эмас, балки ўз манфаатларини кўзлаб аюҳаннос солаяптилар.

Тўрт йиллик сабоқлар кимга қанча қувонч, кимга қанча ўкинч олиб келганини улар билмайдиларми? Биладилар. Лекин... Ган бошқа ёқда. Марказий Осиёда, айниқса Ўзбекистонда эришилаётган катта муваффақиятлар уларнинг юрагида ҳайрат ё ҳавас туйғусини эмас, ҳасад ўтини кучайтиряпти.

Тўрт йил Ўзбекистон учун катта сабоқ даври бўлди. Энди одамларнинг кўзи очилди. Миллат, Ватан, юрт туйғулари шаклланиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси эртанги куннинг ёруглигига ишора.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов россиялик журналистлар билан учрашувда таъкидлаганидек, танлаган йўлимизнинг тўғрилигига ишончимиз комил.

... Остонада баҳор. Қаранг, дарахтлар уйғоняпти. Айримлари гулга кираяпти ҳам. Биласизми, бизнинг Ўзбекистонда янги номдаги дарахтлар ҳам кашф этилди. Улар қайсилар, дейсизми? Кўклумалоқ, Қоровулбозор, Асака, УзДЭУавто, Хоразм-Мерседес Бенц... Булар эртаси ёруг мамлакатнинг улкан дарахтлари.

Энди ортга йўл йўқ. Айримлар қумсаётган қўприклар ёниб кетган...

Норқобил ЖАЛИЛ, «Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Ислом КАРИМОВ:

«ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Савол: Жаноб Президент, сўнгги вақтда собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида коммунистик партияларнинг обрўси ва таъсири кучая бошлаганини ҳамма яхши билади. Мен Ҳамдўстликда Коммунистик партия обрўси ўсмаётган атиги иккита республикани биламан. Бу — Туркманистон билан Ўзбекистондир. Бунинг сабаби нимада? Бу ерда Ўзбекистон компартияси қайта тиклани-ши мумкинми?

И. КАРИМОВ: Саволингизга савол билан жавоб берсам майлими? Сиз Зюгановни коммунист деб ҳисоблайсизми?

ЖУРНАЛИСТ: Ҳар ҳолда, уни ҳамма коммунист деб атайди.

И. КАРИМОВ: Ҳа, коммунистлар партиясини қайта тиклаш жараёни кечмоқда, айрим мамлакатларда эса у компартия деб аталаяпти. Россиянинг ўзида менимча ўзини компартия деб атайдиган учта ёки тўртта партия бор. Шуни айтмоқчиманки, уларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қайтадан оёққа туриши — мен бу сўзни онгли равишда ишлатаяпман — аввало Россиянинг ўзида ва бошқа республикаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги хатолар туфайлидир.

Россия заминига унга ёт бўлган моделлар келтирилиб жорий этилгани, ислоҳотлар йўли, бироз шошма-шошарлик билан, ўйламай амалга оширилгани, мени кечирасизу, ижтимоий сафсатабозликнинг бош кўтариши учун қулай шароит яратди.

Мафкура тўғрисида гапирадиган бўлсак, мен «Известия»да жуда саводхонлик билан ёзилган батафсил мақола ўқидим. Зюганов компартиясининг дастурини таҳлил қилувчи бу мақола муаллифининг номини айтмайман. Унда мазкур партия ё социал демократик партия бўлиши керак ёки эртага ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади ва аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди, дейилган. Мен бу хулосага тўла қўшиламан.

Ҳозирги пайтда бу ижтимоий сафсатабозлик ҳеч нарсани таклиф қилмай фақат танқид қилишга асосланган. Бир вақтлар очликдан, жиноятчиликдан кафолатланган, билим олиш, тиббий жиҳатдан таъминланиш имконига эга бўлган, ҳеч ким рад этмаётган ижтимоий кафолатлар нуқтаи назаридан оддий кишилар наздида социализм, социалистик қоидаларнинг ижобий томонлари бор эди. Ана шу кафолатларни одамлар ҳозир орзу қилмоқда, улар нурафшон бўлиб кўринмоқда, ҳозирги шароитда бу одамларда бой-бадавлат яшамаган бўлсалар ҳам ҳар ҳолда, ҳозир жамият бошидан кечираётган инқироз бўлмаган ўтмишни қўмсаш туйғулари пайдо бўлмоқда. Мен яна бу сўзни кўп жиҳатдан онгли равишда такрорламоқдаман. Биринчидан, саноат, индустрия қуввати пасайиши, ишлаб чиқаришнинг камайиши нуқтаи назаридан жамият инқирозга учради, маънавий ҳаётда инқироз бошланди. Мен бу жиҳатларни ўзаро боғлиқ деб биламан. Буларнинг ҳаммаси одамларни Россияда эҳтимолки ёт кучларнинг ёрдами билан жорий этила бошлаган мутлақо жозибасиз бўлган янгиликлардан бездирмоқда, шу сабабли ана шундай вазиятда ҳеч нарсани таклиф этмай танқид қилувчилар ҳам яхши одам бўлиб кўринади. Шу боисдан менинг ишончим комилки, Россияда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўли бироз юмшатилса, Россиядаги ислоҳотлар инсонпарварлик тусига киради. Беш йил ичида эмас, эҳтимолки ўн йил ичида ҳамма учун мақбул бўлган, Европа ва жаҳон ҳамжамиятига қўшила оладиган маърифий давлат вужудга келар. Буларнинг ҳаммасини аҳоли мутлақо тўғри деб қабул қилади. Ҳозирги пайтда коммунистик ғояларни қайтадан тикланаётган ижтимоий замин эса ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Чунки мени Зюгановнинг рўпарасига ўтқазиб қўйишса, мен билан баҳслашиш унга жуда қийин бўлади. Биласизми, нима учун қийин бўлади? Чунки мен бу тизимнинг авра-астарини яхши биламан. Зюганов — тарғиботчи. Зюганов — КПСС Марказий қўмитасининг мафкура бўлимида ўтирган одам. Мен эса хўжалик ходимиман.

Мен давлат план комиссиясида йигирма йил ишладим, уч йил молия вазири бўлдим, Москванинг, собиқ иттифоқнинг, барча вазирликларнинг, барча план комиссиялари, Молия вазирлиги, давлат таъминоти ва бошқа идораларнинг ҳамма кабинетларини кўрганман... Буларнинг ҳаммасини жуда яхши биламан, марказдан режалаштиришнинг нақадар мустаҳкамлигини ҳеч бўлмаса Ўзбекистонда ҳаммадан яхшироқ биламан. Ўша моделнинг жозибадорлиги тўғрисида мен билан баҳслашиб кўришсин. Масалаларни ҳал қилиш учун идорамаидора югуришга тўғри келарди. Ҳозир ўша тартиб қайтадан тикланадиган бўлса, одамлар бундан ҳайратланибгина қолмайди, балки ғазаби келади. Шунинг учун ҳам сиз қаердадир, қандайдир республикаларда, жумладан Россияни ҳам кўзда тутиб, компартияни қайта тиклаш учун замин ҳозирланаётгани ҳақида савол бердингиз, мен буни вақтинчалик ҳодиса деб ҳисоблайман.

Энди Ўзбекистон ҳақида. Биласизларки, Ўзбекистонда коммунистик партия бор эди. Ўзим ҳам унинг аъзоси бўлганман. Шу билан бирга мен Ўзбекистонда коммунистик ғояларни кўтариб юрганлар йўқ эди, деб айта оламан. Бизда барча машҳур «бажарамиз» ибораси нуқтаи назаридангина коммунист эди. Айтилган ҳамма нарсани бажарамиз, дейиларди.

Агар Ўзбекистон тарихини 1918 йилдан, бу ерга большевиклар келган пайтдан бошлаб кузатадиган бўлсак, бу ишга жиддий қизиқсаларингиз, бир эслаб кўрингилар, агар Ўзбекистонда коммунистик партия тепасида кимлар турган? У ерда биронта ўзбек бўлганми? «ТуркЦИК» тепасида кимлар турган? У одамларнинг барчасини бу ерга Ленин юборган эди-ку. Улар бу ерга келишган, юқори лавозимларни эгаллашган, кейин, агар одамларнинг бирон-бир миллий томони намоён бўлса, уларни отиб ташлашган. Йигирманчи йилларда «босмачилик» учун таъқиб қилишган, 37 йилда бутун раҳбариятни тўлиқ тугатишган. Урушдан кейинги даврни олайлик. 1983 йилда Рашидов вафот этганидан кейин «лигачёвчилик» даври бошланди. Аслида «горбачёвчилик» деб аташ тўғрироқ бўларди, чунки у буни усталик билан Лигачёвнинг елкасига ағдарган эди. СССР Олий Совети депутати нишонини тақиб юрган кишиларни, ҳеч виждони қийналмай ҳибсга олинган экан, бригадирни ҳибсга олиш учун, гўё у бирон ёққа қочиб кетадигандай, итлар билан вертолётларда қишлоқларга қўнилган экан, «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» ниқоби остида Ўзбекистонда жуда кўп одам қамалган экан, айтингларчи, шуларнинг барчасидан кейин бу масалаларга биз-нинг муносабатимиз қандай бўлиши мумкин? Шунинг учун ҳам, сизнинг бизда ва Туркманистондаги ҳолат ҳақидаги саволингизга, аслида мен бизни бошқа давлатлар билан таққосламасликни истар эдим, бизни қандай бўлсак, шу ҳолимизча кўриш керак, Ўзбекистон — Ўзбекистонлигини унутмаслик керак, хуллас, шу муносабат билан саволингизга жавоб бериб айтаманки, бизда миллий коммунистик партия тузиш учун ижтимоий замин, мен ҳатто миллий замин деган бўлардим, бундай замин йўқ. Бизда Зюганов ва Шейнинлар олиб келган партия бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бизни кимларнидир сиқиштиряпти, кимларнидир чеклаб қўяяпти, деб ўйламанглар. Фақат тарихимиз, яқингинадаги тарихимиз халқимизнинг коммунистик партияга меҳри йўқ эканини кўрсатиб турибди.

Савол: Сиз мамлакатингизда мулк эгаларига суянилишини айтиб ўтдингиз. Бизда, Россияда энг бой одамлар — мулк эгалари — банкирлар ҳисобланади. Бироқ, менинг билишимча, сизларда атиги 2 та хусусий банк бор экан. Давлат банкларига суяниш — давлат сиёсатими?

Жавоб: Кечирасиз-у, сиз иккита саволни бир-бирига қарама-қарши қўйдингиз. Биз мулкдорлар синфи ҳақида гапирганда банкирларнигина назарда тутмаймиз. Биз асосан ўрта синф ҳақида гапирамиз. Дарвоқе, мен сессияда нутқ сўзлаганимда, сизлар бу нутқ билан танишишларингиз мумкин, мулкдорларнинг ўрта синфини назарда тутган эдим. Европада ҳам, бутун дунёда ҳам ҳозир мулкдорларнинг ўрта синфи — кичик ва ўрта бизнесни қўмсаб қолишган. Бу маънода ҳам бизнинг фикримиз қатъий: мулк эгаси бўлиш керак. Бироқ, айни пайтда, мафкурамизда, жамиятни ислоҳ қилишга принципиал қарашларимизда биз ўта бой ва ўта камбағаллар бўлишига қатъиян қаршимиз. Биз бу тўғрида баёнот бериш билангина шуғулланаётганимиз йўқ, аксинча, муайян давлат сиёсатини амалга оширяпмиз.

Ўзингиз ўйланг: одамларнинг турли қатламлари даромади ўртасидаги фарқ 40 мартани ташкил қилишига йўл қўйиб бўладими ахир? Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Сизларда бу назорат қилинмайди, давлат буни кузатмайди. Шунинг учун ҳам «янги руслар» деган қатлам пайдо бўлган. Мен умуман бу номга қаршиман. Бу қандай ном ўзи? Ким буни ўйлаб чиқарган? Нима учун «янги руслар»? «Эски руслар», «янги руслар» деб бўладими? Эҳтимол, «эски руслар» ҳар қандай ахлоқ ва маънавият бобида «янги руслар»дан яхшироқдир?

Бизда энг паст ва энг юқори маош оладиганларнинг 10 фоизи ўртасидаги нисбат бирга олтини ташкил қилади. Биз солиқ тизими орқали буни назорат қилиб турамиз. Сизларга «Маҳалла» дастури тўғрисида гапириб беришган бўлса керак. Бу дастур бўйича Молия вазирлиги тизими орқали ўз-ўзини бошқариш органларига маблағ ўтказилиб, маҳалла қўмиталари орқали тақсимланади. Чунки кимнинг қандай яшаётганини маҳалла фаоллари яхши билади. Серфарзанд оилаларга ёрдам кўрсатиб турилади, давлат пенсиялар даражаси турмуш даражасига мос бўлишини назорат қилади ва ҳоказо.

Биз шу тариқа ўта қашшоқ ва ўта бойлар бўлмаслигини назорат қилиб борамиз. Дарвоқе, жаҳон тажрибасида буни назорат қилиб турадиган давлатлар талайгина. Мисол тариқасида Швеция, Австрия сингари мамлакатларни келтирсак бўлади.

Хуллас, саволингизнинг биринчи қисмига оддийгина жавоб бериб шуни айтмоқчи эдимки, ҳа, биз мулкдорлар синфи тарафдоримиз, бироқ айни пайтда ҳам ҳамма нарсага эга, ҳам барча нарсадан маҳрум одамлар бўлишига қаршимиз.

Республикада банк тизими ҳам ислоҳот қилинмоқда. Шуни айтишим лозимки, унинг натижалари ёмон бўлаётгани йўқ. Бизда Россиядаги сингари дастлабки сархушлик пайтида икки мингта банк ташкил этилиб, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ё фаолиятини тўхтатишга ёки бирлашишга мажбур бўлганидек ҳол кузатилмайди. Банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида аралаш модели кучга кирди. Кўпгина тижорат банкларида давлат ўз улушига эга. Яъни биронбир банкни ташкил этар экан, давлат бу банк акцияларининг, унинг асосий жамғармасининг қандайдир қисмини ўз қўлида сақлайди. Ҳозир давлат тижорат банклари ҳам барпо этилган.

Хусусий банклар ҳам бор. Оддий тижорат банклари ҳам бор. Бу банклар ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Мен мулкдорлар синфи ўсиб бориши билан хусусий банклар сони ҳам кўпайиб боради, деб ўйлайман. Бугунчалик уларнинг кўпайишига ижтимоий асос, улар вояга етиши учун зарур замин йўқ. Биз ҳамма нарса мантиққа бўйсуниши, ҳар бир нарсанинг асоси бўлиши лозимлигини яхши англаймиз.

Бизда бугунги кунда тижорат банклари ва давлат тижорат банклари бор. Марказий банк бор. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бор. У давлат тижорат банки ҳисобланади. Яъни биз унда ўз улушимизга эгамиз, банкнинг ўзи ҳам асосий жамғармада ўз капиталига эга.

Яқинда «Асака» деб номланган банк очилди. Сизлар бу банк тўғрисида маълумотга эга бўлишларингизни истардим. Сизлар албатта, йилига 180 мингта енгил автомашина чиқарадиган «ДЭУ» автозаводи Асакада қурилаётганини, биз «Асака» деб ном берган банк шу заводга хизмат кўрсатишини, унинг операцияларини амалга оширишини бирданига таққослаб кўрдинглар, албатта.

Бироқ, бу банкнинг асосий вазифаси сал бошқачароқ. Биз давлат тижорат банки ташкил этиб, унга давлатнинг, ҳукуматнинг пулини қўйдик. Нима учун? Эртага, конвейердан машиналар чиқа бошлаганида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу машиналарни сотиб олишига шароит туғдириш учун шундай қилдик. Мен тахминий рақамлар келтираман. Айтайлик, энг яхши моделдаги машинанинг нархи 10 минг доллар туради. Бизнинг мўлжалимизга мувофиқ, Халқ банки қўйилган маблағлар, киримлар, аҳоли жамғармаларининг бир қисмини, тахминан олсак, машина нархининг 25 фоизини йиғиши мумкин. «Асака» банки бу фуқарога кредит беради, қолган 75 фоизни у 10 йил давомида энг кам йиллик фоиз асосида тўлайди.

Шундай қилиб, фуқаро 2,5 минг долларга энг яхши русумли машина сотиб олиши мумкин. Қолган 10 йил давомида қарзидан қутилади. Бунинг учун айланма капитал, яъни Ўзбекистоннинг мана шу машинани сотиб олишга ҳаққи бор ҳар бир фуқароси манфаати йўлида бундай операциялар ўтказишимизга имкон берадиган капитал керак эди.

Сизлар биз ҳар бир фуқаро 10 йиллик муддатга кредит олиши учун шароит яратадиган айланма капитал сифатида таклиф этаётган бу пулни қаердан олганимизни сўрарсизлар?

Биз қазиб олаётган олтинлар-чи? У — халқ бойлиги. У халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг мулки. Айтайлик, биз бу олтинни сотиб, пулини бу банкка қўйдик. Ҳар бир фуқаро бу банк воситасида ўз улушини олади. Яъни, унинг бу олтинда ўз улушига эга бўлишига ҳаққи бор. Шу тариқа биз бу капитални ҳар бир кишига имтиёзли нархларда машина сотиб олиш имконини берадиган айланма капиталга айлантирамиз.

Мен сизларга биттагина банкни айтиб бердим. Бунақа банкларимиз кўп — «Савдогар банк», «Ғаллабанк», «Пахтабанк» ва ҳоказо... Бугунги кунда бундай банклар, менимча, 25 тадан зиёд. Бироқ, ҳозир собиқ шўролар ҳудуди матбуотида ёзилаётганидек, кўпчилик мамлакатларда, ҳатто Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам кўпгина банклар бугунги кунда банк ишида, капитал оламида пайдо бўлаётган меъёр ва рақобатларга бардош беролмагани унингина ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам саволингизнинг иккинчи қисмини биринчи қисмидан ажратишни таклиф қилган бўлардим. Бизда ҳам банкирлар катта пул олади. Дарвоқе, собиқ шўролар ҳудудидаги биронта мамлакатда бундай имтиёзлар яратилгани йўқ. Мана, мисол учун, биз жамғарма банкини Халқ банкига айлантирдик. Бугунги кунда деярли ҳар бир қишлоқда бу банкнинг филиалларини очяпмиз. Бу банкни беш йил давомида солиқдан озод қилдик. У бюджетга ўз даромадидан бир тийин ҳам бермайди. Нима учун? Чунки у компьютер сотиб олиши, бутун жараёнларини компьютерлаштириши керак.

Ўзбекистонда пул жўнатишнинг электрон тизими ишлаб турганини ҳозир сизларга айтишим мумкин. Бир кун ичида айтайлик, Тошкентдан Қорақалпоғистонга ва у ердан Тошкентга 7 марта пул ўтказиш мумкин. Бу соҳада ҳеч қандай муаммо йўқ. Биз бунга қандай эришдик? Бунга банклар бюджетга ўтказиши лозим бўлган пулни уларнинг ўзига қолдириш йўли билан эришдик. Банклар бу пулни ҳозир қаттиқ валютага алмаштирмоқда, компьютерлар сотиб олмоқда, ҳеч бўлмаса ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимизга бориб, у қандай жиҳозланганини, у ерда қандай операциялар амалга оширилаётганини кўришингиз мумкин.

Биз қисқа вақт ичида ҳар қандай бозорнинг асосини ташкил этадиган бундай тизимни барпо этганимиздан ҳурсандмиз. Яхши ривожланган банк, суғурта, молия тизими бўлмаса, бозорнинг ёрдамчи тармоқлари тўғрисида гапириш мумкин эмас. Ҳозир биз бозор ёрдамчи тармоқлари аҳамиятини аввалгига нисбатан чуқурроқ англай бошладик: бу — банк, молия, суғурта, агар лозим топсангиз, аудитор хизмати, консалтинг ҳамда бозор учун энг яхши шарт-шароитларни таъминлаши лозим бўлган бошқа тизимлардир.

Шу сабабли бизда банклар давлат мадади билан ривожланмоқда, ўтиш даврида банкларнинг ривожланишига давлат ёрдам бериши зарур, деб биламиз.

Савол: Бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмини айтиб берсангиз. 1996 йилда бюджетнинг ижтимоий йўналиши сақланиб қоладими, ижтимоий харажатларга неча фоиз ажратилган, бюджетда индексация қилиш фонди кўзда тутилганми, бюджетдан неча фоизи фуқаролар омонатларини индексация қилишга сарфланади? Раҳмат.

Жавоб: Сизни мутлоқ рақамлар қизиқтираётган бўлса, марҳамат, айтишим мумкин. Лекин мен энг муҳими бунда эмас деб ҳисоблайман. Чунки бизда пулнинг қадрсизланиш жараёни давом этмоқда ва барибир бир йилдан сўнг бошқа рақамлар кўрсатилади. Бюджетнинг даромадлар қисми 142 миллиард 197 миллион сўмни, харажатлар қисми — 155 миллиард 621 миллион сўмни, бюджет камомади эса 13 миллиард 424 миллион сўмни ёки 3,5 фоизни ташкил этади.

Ижтимоий эҳтиёжларга сарф-харажатлар икки моддада кўзда тутилган. Бу ижтимоий соҳа — маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, ижтимоий таъминот, яъни аҳолига хизмат қиладиган соҳалардир. Бу соҳаларга бюджет харажатлар қисмининг 37 фоизи ажратилган. Бундан ташқари биз давлат бюджетида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги моддани киритганмиз. Бу — янгилик, бошқа мамлакатлар бюджетида бундай моддани топа олмайсиз.

Савол: Бу модда 1996 йил бюджетигагина киритилганми?

Жавоб: Йўқ, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги махсус модда бизда деярли 3 йилдан буён амал қилмоқда. 1996 йилда бюджетдан умумий харажатлар қисмининг 13,4 фоизи шу мақсадга сарфланади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ўзи нима? Бунга қайси моддалар киради? Масалан, коммунал хизматга дотация киради. Бизда коммунал хўжалик бўйича дастур тузилганини биласиз. Менимча, бу дастур 2000 йилгача мўлжалланган. Ҳозир аниғи эсимда йўқ. Ҳар ҳолда коммунал хизмат учун дотация бу йил учун ҳам сақланиб қолинган. Чунки аҳоли ҳозирги пайтда коммунал хизмат ҳақини тўла-тўкис тўлашга қодир эмас. Шу сабабли бюджет умумий харажатлар қисмининг 4,4 фоизини шу дотацияга режалаштирганмиз. Болали оилаларга нафақа бериш моддаси бўйича бюджет умумий харажатлар қисмининг 7,3 фоизи айни шу мақсадга сарфланади.

Шу модданинг ўзида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўзда тутилган. Бу ёрдамга бюджет харажатлар қисмининг икки фоизи сарфланади. Пенсия фонди бўйича трансферт — биз уни бир вақтлар дотация деб атар эдик, сўнгра субвенция дея атай бошладик, энди эса бозор иқтисодиётига мос ном билан трансферт деб атаяпмиз. Пенсия фонди бўйича ана шу трансфертга 0,5 фоиз ажратилади.

Бундай трансферт нима учун керак? Корхоналарнинг пенсия фондига ажратмалари етмай қолса, маълум бир даврда пенсияларни бюджет фондидан ўз вақтида тўланишига кафолат тарзида керак.

Шундай қилиб, ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган 37 фоизни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилган 13,4 фоизга қўшсак, умуман ижтимоий соҳага бюджет харажатлар қисмидан 51,4 фоиз сарфланади. Бу озми ёки кўпми? Бошқа давлатлардагига нисбатан кўп бўлса керак. Ўтган ҳисобот йилдагидан кўпроқ. Чунки 1995 йили аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги модда харажатлар қисмининг атиги 9,6 фоизини, ижтимоий эҳтиёжлар 35,4 фоизни ташкил этганди. Кўриб турибсизки, 1996 йил бюджетида ижтимоий эҳтиёжларга ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга маблағни кўпайтирдик.

Бу ерда савол беришди: гўёки бизнинг парламентимизда бюджет моддама-модда кўриб чиқилмай овозга қўйилиб, қабул қилинар эмиш. Тушунаман, ҳар бир журналист қийинроқ, чалкашроқ савол беришни хоҳлайди. Баъзан мен ўзим ҳам журналистларимиздан одатдан ташқари, қийинроқ саволлар беришларини сўрайман... жаволлар ҳамма учун тушунарли бўлсин деб, шундай талаб қиламан.

Шуни айтишим керакки, аслини олганда бюджет умуман деярли йил давомида тайёрланади. Ҳозир 1996 йил бюджетини тасдиқладикми, энди 1997 йил бюджетини тайёрлаш керак. Бу соҳада ўзим ишлаганман, шу сабабли бировларнинг гапига қараб эмас, ўз тажрибамга асосланиб гапиряпман.

Биз валюта фонди билан боғлиқ бўлган ҳозирги пайтда бюджетимизни мазкур халқаро молия ташкилотининг тегишли комиссиялари ва экспертлар бригадалари бир эмас, бир неча бор синчиклаб текшириб чиқади. Улар макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан, бу бюджет барқарорлиги нисбатини, бирор доирадан четга чиқиб кетмаслиги учун камомад нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқади... Бу уларнинг вазифасига киради.

Аммо депутатдан барча масалаларда мутахассис бўлишни талаб қилиш мумкинми? Депутат бир умр шу масалалар билан шуғулланаётган мутахассисдан кўпроқ нарсани била оладими?

Амалда эса бюджетимиз Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг назорати остида ҳаддан ташқари қийин экспертизадан ўтади, бундай синовга ҳамма ҳам бардош беравермайди.

Энди индексация масаласида. Индексация ҳақида қачон гап бошланганини ўқиган бўлсангиз керак, олдин биз шу индексациялаш схемасини тузиб чиқдик, яъни қарор қабул қилдик, бу қарор эълон қилинди. Бу олти ойлик меҳнат натижасидир. 1996 йилда биз қайта тикланган омонат дафтарчалари бўйича 1 июлдан бошлаб ҳақ тўлай бошласак (Халқ банкида бундай дафтарчалар сони 5 миллионтага етади), у ҳолда биз омонатчиларнинг истагига мувофиқ ва йил охиригача фоиз ставкаларини ҳисобга олганда 3 миллиард 600 миллон сўм тўлашимизга тўғри келади. Қайта тикланган омонатларнинг 10 фоизигина ана шунча бўлади.

Бу пулни қаердан олиш мумкин? Биз бунинг учун қоплаш фонди ташкил этдик. Бу фонднинг 50 фоизи бюджет ҳисобидан, 50 фоизи эса бюджетга кирмайдиган фондлар ҳисобидан бўлади. Шундай қилиб, қўлимизда аниқ ҳисоб-китоб бор, омонатчиларнинг ҳаммаси қайта тикланган пулнинг 10 фоизини тўлашни талаб қилса, бунинг учун биз 1996 йил бюджетидан 1 миллиард 900 миллион сўмга яқин пул ажратишимиз лозим бўлади. Бу пухта ҳисоблаб чиқилган рақам: ҳатто Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг бюджетда кўзда тутилган умумий харажатлардан 1 фоиз миқдоридаги заҳираси ҳисобидан ҳам бу тўловларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Нима учун мудофаа харажатларини сўрамаяпсиз? Ким шундай савол берди?

Залдан овоз: Сиз барибир айтмайсиз.

Жавоб: Нега айтмас эканман? Ҳамма рақамларни айтиб бераман. Баъзи жойларда сиздан яширишаётган бўлса, биз ҳеч нарсани яширимаймиз. Қулоқ солинг — маъмурий органларни сақлаб туриш учун 19 миллиард 680 миллион сўм миқдорда харажат қилиш кўзда тутилган. Бу 12,6 фоизни ташкил этади. Шундан 4,4

(Давоми. 3-, 4-бетларда).

«ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

(Давоми. Боши 2-бетда).

фоизи ёки 6,8 миллиард сўми — Мудофаа вазирлигига, 4,5 фоизи — 7 миллиард сўми Ички ишлар вазирлигига ажратилган. Яна хавфсизлик хизмати, чегарачилар ва шу кабилар бор... соф мудофаага эса, яна бир бор айтаман, бюджет умумий харажатлар қисмининг 4,4 фоизи ажратилади. Бу кўпми ёки камми? Бу кам. Ҳали сизга биз ҳеч нарсани яширмаймиз деганимда, шу масалани ҳам кўзда тутган эдим.

Савол: Жаноб Президент, сиздан сўрамоқчи эдим, яқин беш йил ичида, шу асрнинг охиригача Ўзбекистонда қандай қийинчиликлар туғилиши мумкин? Аниқроқ бўлиши учун кичик бир савол бераман: етарли даражада объектив бўлган қийинчилик — мен Ўзбекистоннинг айрим туманлари қишлоқларида аҳолининг кўплигини ва шу муносабат билан аҳоли нуфузининг ошиши туфайли муаммолар юз беришини кўзда тутяпман. Бу хусусда келгусида сиёсатингиз қандай бўлади?

Жавоб: Бу жуда катта мавзу, албатта. «Қийинчилик» деганда сиз ички ва ташқи хавфсизлик учун «хатар»ларни кўзда тутяпсиз. Шу сабабли мен ҳозир айримларини, асосий масалаларни айтиб ўтаман.

Ташқи хавф тўғрисида гапирадиган бўлсак, у ҳолда айтишим мумкин: жанубдаги ақидапарастлик бизни жуда ташвишга солмоқда. Бу жиддий масала. Бизга жанубдан хавф солаётган ақидапарастликни ёки тўғрироқ айтганда, экстремизмни оладиган бўлсак, у 17 йилдан буён Афғонистонда, Тожикистондаги беқарорликда, айтишим мумкинки, умуман шу минтақада юз бераётган беқарорликда намоён бўлмоқда.

Бизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан гапиришга мажбур қилаётган биринчи хавф ана шу. У ерда мен икки марта сўзга чиқиш имкониятига эга бўлдим ва бу муаммони Ўзбекистон учун жуда хавфли муаммо эканини таъкидладим. Чунки тинчлик бўлмаса, бу хавфни тугатиш муаммоси ҳал қилинмаса, ислоҳотлар тўғрисида, истиқбол тўғрисида гапириш мумкин эмас. Буни тушунмаётган, буни пайқамаётган одамлар узоқни кўра олмайдиган кишилардир.

Биз эътибор бермаслигимиз мумкин бўлмаган иккинчи хавф — элатлар ўртасидаги ва бошқа тўқнашувларни кўзда тутганда, бу минтақада вужудга келиши мумкин бўлган тўқнашувлар хавфидир, айрим сиёсатшунослар шундай тўқнашувлар эҳтимоли борлигини айтишмоқда.

Америка сиёсатшунослари 1991 йилдаёқ бу ерда халқлар ўртасида катта уруш чиқиши мумкин, деган эдилар. Бундан худо асрасин, башарти уларнинг башоратлари юз берганда эди, Қорабоғ ҳам, бошқа «қонли» минтақалар ҳам арзимаган воқеа бўлиб қоларди. Шу сабабли бу минтақада эҳтимоли бўлган элатлараро хавф ҳамиша диққатимиз марказида туради. Биз бу ҳақда ўйлаяпмиз ва бунга йўл қўймаслик учун кафолотни таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Лекин бу ҳақда Россия вакиллари, сизлар ҳам ўйлаб кўрсангиз ёмон бўлмасди. Мен ҳозир ном чиқариш мақсадида қилинаётган айрим баёнотларда кўзга ташланаётган шовинистик кайфиятлар, империя жазавалари хавфини кўзда тутяпман. Бундай баёнотлар Давлат Думасига сайлов олдидан пайдо бўлган эди, Президент сайлови олдидан ҳам бўлади, эҳтимол.

Ўзининг сайловолди шиорларини сохта ватанпарварлик ва миллатчилик оҳангида баён қилаётган ҳар қандай партияни олинг — уларнинг барчасида ана шу нарса бор. Мен ўша Жириновскийнинг Думадаги нутқларини қандай қилиб хотиржам тинглаш мумкинлигини тушунмайман — ахир, у энди иккинчи марта сайланган депутат, парламент фракциясининг раҳбари. Бироқ у Қозоғистон ғайриқонуний равишда мавжуд деган ёки шунга ўхшаш бошқа гапларни бемалол айтаверади. Унинг гапларини масхарабоз ёки қизиқчининг гапи сифатида қабул қилиш мумкиндир, албатта. Бироқ унинг мартабаси жуда баланд: у Давлат Думаси депутати, парламент фракциясининг раҳбари, сайловчиларнинг маълум миқдордаги овозини олган партиянинг раҳбари-ку.

Демак, жаноб Жириновский сингари фикрлайдиган омма ҳам бор. У, афсуски, ўзи учун ном қозониш воситаси бўлган ҳар қандай нарсани жуда тез юзага чиқаради. Ана шундай кенг қўлланилаётган усуллардан бири: вазият қанча ёмон, қанча жанжалли бўлса, шунча яхши, деган усулдир. У Брюсселда ҳам сўзга чиқиб: Сизлар Россияни Европа Кенгашига қабул қиляпсизлар-ку, ҳали кўп нарсани яхши билмайсизлар, агар мен Президент бўлганимда, сизларга кўрсатиб қўярдим, Ельцин яхши одам, шунинг учун ҳам унинг даврида Россиянинг Европа Кенгашига қабул қилиниб қолиши учун тезроқ овоз беринглар, деган эди...

Гоҳо менда кимлардир жаноб Жириновский ва унга ўхшаган «сайроқи»лардан фойдаланади, у қандайдир куч томонидан демагогияси, жанжалли баёнотлари қарама-қарши томон манфаатларига хизмат қилиши учун яратилган кимса, деган таассурот пайдо бўлади. Мана, агар мени сайламасангиз, ўрнимга қандай куч келишини кўриб қўйинг, дегандек... Брюсселда ҳам у шундай таассурот қолдирди. Назаримда, бу нарсалар барча англаши мумкин бўлган ҳодисалардир, сизлар буни жуда яхши биласизлар. Бироқ, афсуски, бу тўғрида жуда кам ёзиляпти.

Жаноб Зюганов ёки бошқаларнинг гапини олайлик... Лигачёв ҳам яна юзага чиқиб қолди. Коммунистларнинг қурултойидан кейин у Президент сайловида ғалаба қозонамиз, кейинги қадамимиз эса СССРни қайта тиклаш бўлади, деб баёнот берди. У ҳатто бошқалар буни истайдими, йўқми, деган савол хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайди.

У ўзига шундай савол беради, деб ўйлайсизларми? Йўқ, бермайди. Уларда аллақачондан бери шундай тартиб ҳукмрон: уларнинг фикри — қонуний фикр ҳисобланади. Улар кишиларимизнинг, халқимизнинг собиқ СССРнинг бошқа халқлари руҳиятини мутлақо ҳисобга олмайди. Ораларингизда «Независимая газета»нинг вакили бор. 10 февраль куни шу газетада Беларусда ўтказилган жамоат фикри сўрови натижалари эълон қилинди. 1991 йил декабридаги сўров шу мамлакат аҳолисининг 68 фоизи Беловеж ўрмонида қабул қилинган қарорни қўллаб-қувватлаганини, олти фоиз аҳоли бунга қарши эканини кўрсатган эди. 1995 йилнинг декабрида билдирилган фикрлар бутунлай тескари: энди 68 фоиз аҳоли Беловеж ўрмонидаги кенгаш қарорини ғайриқонуний деб, атиги саккиз фоиз кишигина бу қарорни тўғри деб ҳисоблайди. Яъни ҳамма нарса тескари бўлиб кетган. Муаллиф бундан МДҲ — сўнгги бекат эмас, собиқ шўро жамиятининг «оралиқ бекати» деган хулоса чиқаради. Мен бу муаллифга савол бермоқчиман: нима, бу эртага ягона байроқ остига бирлашинглар, деган баёнот бўлишига ишорами? Бундай конфедерациянинг славян асоси ҳақида гапирилади — бу: Белорусь, Украина, Россия, Қозоғистон эмиш. Бироқ Қозоғистонда руслардан бошқа халқлар ҳам бор — қозоқлар аҳолининг ярмидан кўп қисмини ташкил қилади. Афсуски, ана шундай асосни яратиш тўғрисида гапираётган назариётчилар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмайди.

Гўё конфедерациянинг мана шу тўрт йирик давлатдан иборат асоси яратилса бас, кейин бошқалар унга «кўнгилли-мажбурий» равишда кираверади эмиш. Кирмай ҳам кўринглар-чи! Божхона тўсиқлари барпо этилади, коммуникациялар тўсиб қўйилади... Буни калтабин кишигина кўрмаслиги мумкин. Бундай хавф бор, биз уни ҳисобга олишимиз керак. Шунинг учун ҳам биз Россияда демократик кучлар ғалаба қилишини истаймиз. Мен МДҲ давлатлари бошлиқларининг сўнгги йиғилишида сўзга чиқиб, МДҲ раҳбарлигига Борис Николаевич Ельциннинг номзодини қўллаб-қувватлаганимда айнан мана шу масалани назарда тутган эдим. Сизлар президентликка истаган одамнинг номзодини тавсия қилишингиз мумкин — мен сизларнинг ўзингизнигина эмас, сизларнинг ортингиздаги турган сайловчиларни ҳам назарда тутяпман, албатта — бироқ барибир Ельциндан бошқа одамга умид боғлаб бўлмаслигига рози бўласизлар. Гайдар Немцов билан Явлинский ҳамроҳлиги тўғрисида гапирар экан, бу — кечирасизлар, унинг нуқтаи назари, холос.

Ельцин коммунистлар ёки «Ватанпарвар»лар, СССРни тикламоқчи бўлаётганлар билан курашда ғалаба қозониши мумкин бўлган ягона номзоддир. Шунинг учун ҳам биз Борис Николаевич Ельцинни қўллаб-қувватлар эканмиз, биз унинг ўзини эмас, Россиядаги демократик кучларни назарда тутамиз.

Мен соғлом тафаккурнинг ғалаба қилишига ишонаман. Нима, биз яна жамоат мулкчилигига, национализацияга қайтишимиз керакми? Мен бу соғлом тафаккур, ақл нишонаси эмас, деган фикрдаман. Шунинг учун ҳам биз Григорий Явлинский ва бошқалар бугунги курашда битта кишини қўллаб-қувватлаб, уни Россиядаги тобора кучайиб бораётган ўша коммунистик ва миллатчилик оқимларига қарши қўйиш афзал эканини англаши лозимлиги тўғрисида гапирамиз. Ельцин қиладиган ишини олдиндан билиш мумкин бўлган одам. Унинг ўзига яраша камчиликлари бор, албатта, лекин у коммунистлар билан «ватанпарвар»ларга қарши тура оладиган ҳамда атрофида барча оқил кучларни бирлаштириши мумкин бўлган ягона кишидир. Менинг нуқтаи назарим ана шундай.

Бизнинг ички муаммоларимизга келсак — сиз аҳоли зичлигини тилга олдингиз — битта мисол келтираман. Мен икки марта Жанубий Кореяда бўлдим. Бу мамлакатда аҳолини боқадиган ҳосилдор ер атиги 2 миллион 100 минг гектардан иборат. Ўзбекистонда суғориладиган ер 4 миллион 200 минг гектарни ташкил қилади. Яъни Жанубий Кореядагидан қарийб икки баравар кўп. Ўзбекистоннинг аҳолиси 23 миллион кишини, Жанубий Кореянинг аҳолиси эса 42 миллион кишини ташкил этади. Демак, халқимизни боқиш учун резервларимиз жуда ҳам етарли. Айрим демограф ва сиёсатшунослар қилаётган тахминларда ҳам, агар ресурсларимиздан самарали фойдаланилса, бизга анча вақтгача аҳоли зичлиги хавф солмаслиги ҳисобга олиниши керак.

Фуқаролар тотувлиги, барқарорликни сақлаб туриш — мен учун курашса арзийдиган асосий мақсад ҳисобланади. Бу бугунги кунда ҳам ислоҳотларни амалга ошириш, ҳам келажакка ишонч билан қарашга имкон берадиган бойлигимиздир.

Яна бир муаммо: кишиларнинг тафаккурини ўзгартириш керак. Бу тўппа-тўғри таъсир ўтказиб бўлмайдиган энг муҳим масалалардан биридир. Кишиларнинг тафаккурини қонунлар билан ҳам, фармонлар билан ҳам ўзгартириб бўлмайди. Бироқ ўзгартириш керак. Энг аввало уларнинг турмуш шароитини ўзгартириш орқали бунга эришиш лозим. Одамлар ислоҳотларни қабул қилиши, бозор муносабатлари Ўзбекистон учун энг асосий йўл эканини, биз учун жаҳон иқтисодиётига қўшилиш ўта муҳимлигини, бунинг учун тинмай меҳнат қилиш, салоҳиятимиздан тўла фойдаланиш зарурлигини англаб етиши лозим. Одамларнинг тафаккурини шу тариқа ўзгартириш, жуда катта зарар келтирадиган боқимандачилик кайфиятидан воз кечиш керак.

Кимдир менга мухолифларингиз борми, деган савол бериши мумкин. Ҳа, бор. Менинг энг кучли мухолифим — бу ҳам бўлса, боқимандаликдир. Бу кайфиятни кўтариб юрганлар — ҳеч нарса қилишни хоҳлаймайдиган кишилардир. Уларга жуда ўнгай. Улар умр бўйи эски тизимда яшаган ҳамда ўзини жуда яхши ҳис қилган. Бу энг аввало партиявий номенклатура, эски мафкуравий тизим «вояга етказган» иллатдир. Ана шу номенклатура жуда яшовчан ҳам. Улар: давлат борми, у мени боқиши керак, деган ақида билан яшайди. Биз бу ақидани ўзгартиришимиз керак. Одам энг аввало ўзига ишониши лозим. Барча, агар мен ўз кучимга ишонмасам, ўзимнинг қобилиятимга умид боғламасам, ақлий, жисмоний ва маънавий салоҳиятимни юзага чиқаришнинг янги-янги йўлларини қидирмасам, ўзимнинг бор имкониятимни намоён қилолмасам, менинг ҳеч нарсам бўлмайди, деган ҳақиқат билан яшамоғи даркор. Акс ҳолда биз ҳеч нарсага эришолмаймиз ва барча ислоҳотлар боши берк кўчага кириб қолади.

Савол: Ислом Абдуғаниевич, 2 миллионга яқин ўзбек миллатига мансуб киши Афғонистоннинг шимолий вилоятларида яшайди. Уларнинг етакчиси — Абдурашид Дўстум — анчагина нуфузга эга бўлган киши — бир неча марта қандайдир буюк ўзбек давлати барпо қилиш тўғрисида гапирган эди. Сиз буни жиддий гап, деб қабул қиласизми?

И. Каримов: Биринчидан, Афғонистоннинг шимолида икки миллион эмас, уч миллионга яқин ўзбек яшайди. Россия матбуотида «Ўзбек генерали Дўстум» деган таъбир жуда кўп ишлатилади. Айтинглар-чи, «Ўзбек генерали» деган ибора қай даражада тўғри? Афғонистон фуқаросими, демак — афғон генерали. Шундай десак, тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман. Ўзбекистонда жуда кўп миллат вакиллари яшайди. Агар Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб киши генерал бўлса, уни корейс генерали, деб атаймизми? Ёки олайлиқ, бизда юқори ҳарбий унвонга эга тожик миллатига мансуб кишилар ҳам бор. Нега уларни тожик генерали, деб атамаймиз? Бу қанақа ёндашув? Мен бунда маълум бир имо-ишорани кўраман. Шунинг учун ҳам жаноб Дўстум тўғрисида гап кетганида, унга Афғонистон фуқароси, деб қараш тўғри бўлади.

Хуллас, гап ўзбеклар тўғрисидагина эмас, умуман Афғонистон ҳақида бормоқда. Биз Афғонистонни ягона давлат сифатида биламиз. Мен Афғонистоннинг бўлинмаслиги ва яхлитлиги тарафдори эканим тўғрисида кўп гапирганман. Афғонистоннинг қабила ва миллат белгилари бўйича парчаланиб кетишидан худо асрасин. Бу ҳодиса унинг қўшниларига, бошқа давлатларга ҳам ёмон таъсир қилади. Бунга ишончим комил.

Дарвоқе, жаноб Аҳмадшоҳ Масъуднинг Хуросон деб аталадиган буюк тожик давлати барпо этиш тўғрисидаги фикри-чи? Дўстумни биласизлар. Масъуд тўғрисида ҳам эшитганмисизлар? Бизнинг бу масаладаги фикримиз аниқ: биз Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши лозим бўлган пойдеворнинг асосини мамлакатнинг яхлитлиги ташкил этиши лозим, деб қараймиз. Бундан Ўзбекистон ҳам манфаатдор.

Дарвоқе, Дўстумнинг буюк ўзбек давлати барпо этиш тўғрисидаги баёноти хусусида. Мен бу тўғрида ҳеч нарса эшитганим йўқ.

Савол: Сиз у билан тез-тез алоқа боғлаб турасизми?

Жавоб: Шуни очиқ-ойдин айтишим мумкинки, мен жаноб Дўстум билан бирон марта ҳам учрашганим йўқ.

Ҳа, биз Афғонистонга, тўғрироғи, Афғонистоннинг шимолий қисмига ёрдам берамиз. Фақат инсонпарварлик ёрдами берамиз. Ғалла, текин электр энергияси берамиз, турли мурувват ёрдами кўрсатамиз. Дарвоқе, мен икки марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотида нутқ сўзлаганимда (сўнгги марта Бош Ассамблеянинг 50- сессиясида), ҳар гал Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш масаласини кўтарганман. Бу мана шу мамлакатда тинчлик ўрнатишнинг энг муҳим шарти, деб биламан.

Яқинда бизни мамнун қиладиган воқеа юз берди — Европа Парламент Ассамблеяси мазкур масалани муҳокама қилиб, бу ғояни қўллаб-қувватлади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашини Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйишга даъват этди. Мен бизнинг ғояларимиз Европа Парламент Ассамблеяси сингари нуфузли ташкилотларда қўллаб-қувватланаётганидан хурсандман.

Бугунги кунда Афғонистонда нималар юз бермоқда? Агар Афғонистон фуқаролари ўз ҳолига қўйилса, ишончим комилки, улар аллақачон тил топишган бўлур эди. Ҳозир бу мамлакатда у ерга қурол олиб кираётган катта давлатларнинг манфаатлари тўқнашмоқда. Бу мамлакатларнинг номини айтмайман. Лекин ўша давлатларнинг раҳбарларидан «Афғонистондаги таранг вазият, уруш ҳолатини сақлаб туришнинг нима фойдаси бор?» деб сўрагиси келади кишининг. Фойдаси бўлса керак, албатта. Лекин кимга, нима учун фойдали?

Масалан, биз учун фойдали эмас. Мен БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан сўзлаб, Афғонистонда тинчлик ўрнатилганида эди, биз Ҳинд океанига — Афғонистон орқали Карочи портига чиққан бўлар эдик, дедим. Бу энг қисқа йўл бўлиб, ана шу темир йўл ва автомобиль йўллари миллионлаб афғонларни иш билан таъминлаган бўлур эди. Улар ўқ отиш ўрнига бунёдкорлик билан шуғуллана бошлаган бўлар эдилар. Карвон йўли миллионлаб одамларга яшаш имконини беради. Бу ерда эса темир йўл ва автомобиль йўли бўлади. Аммо кимдир ана шу йўл қурилишини хоҳламаяпти. Кўрдингизми, бу ерда қанчадан-қанча жаҳоншумул сиёсат мавжуд. Ораларингизда ана шундай сиёсатга ихтисослашган одамлар борлигини биламан. Сизларга шу масала теварагида бироз мулоҳаза юритишни таклиф қиламан. Океанга чиқишни, янги савдо алоқаларини йўлга қўйишни хоҳлаган мамлакат у ерда урушнинг давом этишидан манфаатдор бўла оладими? Бунинг устига биз яқин қўшнилармиз — орамиз 800 километр, холос. У ерда уруш кетаётган экан, бу ерда, Тошкентда биз хотиржам тура оламизми?

Гап нимада эканлигини ўзингиз тушуниб етасиз, деб умид қиламан. Шу сабабли сиз «ўзбек генерали» Дўстум ҳақида гапирганингизда, мен гап фақат Дўстум тўғрисида бораётгани йўқ, гап Афғонистон муаммоси тўғрисида бораётир, Афғонистон ички муаммолари хусусида Дўстумни истисно қилиш нотўғри бўлур эди, дея жавоб қиламан.

Савол: Афғонистон билан боғлиқ сўнгги анча жиддий можародан хабардор бўлсангиз керак. Яқинда Қозоғистонда катта юк самолёти ушлаб қолинди. У Баграмга, яъни Кобул атрофига жўнатиш учун 30 тонна гранат олиб кетаётган эди. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга бундай самолётлар қатнамаслигига кафолат бериш мумкинми?

Жавоб: Бизнинг ҳудудимизга ва унинг осмонига Афғонистон учун қурол олиб келинишидан Ўзбекистон манфаатдор эмаслигига мен қатъий кафолат бера оламан. Мен буни сизга қатъий равишда айтяпман. Яқинда жаноб Примаков ва Россия ҳарбий тузилмалари вакиллари билан учрашган вақтимизда, мен шу ҳақда гапирдим. Бизнинг ҳудудимизда бундай самолёт қўна оладиган бирорта аэродром йўқ. Бундай самолётлар Ўзбекистон осмони орқали ўтмайди ҳам.

Қурол-яроғларни бу мамлакатга айланма йўллар орқали, яъни Афғонистонга бирор муносабати борлигида шубҳаланиш қийин бўлган давлатлар орқали олиб ўтиляпти, деган фикрлар мавжуд. Белорусдан Қозоғистон орқали 30 тонна гранат олиб ўтишмоқчи бўлганини, афсуски, энди эшитиб турибман. Шу сабабли бу воқеани шарҳлай олмайман.

Савол: Ислом Абдуғаниевич, уч кун муқаддам АҚШ давлат котиби янги ташаббус билан чиқди. У Осиё-Тинч океани минтақасида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» деб аталган НАТО дастурининг Осиё вариантини яратишни таклиф қилди. Бу йўлда дастлабки қадам сифатида бир-бир ярим ойдан сўнг шу давлатлар мудофаа вазирлари учрашувини ўтказиш таклиф этилди. Ўзбекистон НАТОнинг шу йўналишдаги Европа дастурини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган эди. Осиё вариантига Сизнинг муносабатингиз қандай?

Жавоб: Биринчидан, Ўзбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаган давлатлар орасида йўқ эди. Агар бу ишни сиз кузатиб борсангиз, биринчи қўллаб-қувватлаганлар орасида ҳозирги кунда нима учундир қарама-қарши томонга ўтиб олган давлатлар бўлганини аниқлаб олишимиз мумкин. Мен бу давлатларнинг номини келтириб ўтирмайман. Зеро, мен айрим қўшнилар ёки давлатлар номини айтиб ўтсам, эртага бу матбуотда пайдо бўлади, оқибатда хафагарчилик вужудга келади ва бу муносабатларимизда муайян қийинчилик туғдиради.

Хуллас, биз биринчилардан эмасмиз. Биз бу ғояни ҳатто Россиядан кейин қувватлаганмиз. Яқинда менга АҚШ билан муносабатларингиз нима учун тез ривожланмоқда, деган саволни беришди. Мен АҚШга сизлардан узоқ ҳам эмасмиз, яқин ҳам, деб жавоб қилдим. Бу гапни Россия раҳбарларига айтдим. Чунки ёдингизда бўлса, икки йил муқаддам бизни ҳамма жойда собиқ коммунистлар мамлакати деб, мени диктатор деб ва бошқа баҳоналар билан танқид қилишарди.

Кези келганда айтиб қўяй, биз ҳаммамиз собиқ коммунистмиз. Нима, Алиев, Шеварднадзе собиқ коммунист эмасми? Ельцин, Бразаускас собиқ коммунист эмасми? Умуман, бу мавзу ниҳоясига етди, Каримов эндиликда ёлғиз эмас. Коммунистлар ҳам ҳар хил эди — буниси бошқа масала, буни яхши англаш лозим.

Сиз айтаётган «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида ҳақиқатан ҳам биз иштирок этаяпмиз ва бунда ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки бу дастурда иштирок этиш бизнинг манфаатларимизга мос келади, деб ҳисоблаймиз. Аммо баъзи бировлар қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш тўғрисида гапирганда, баъзи бировлар бундай қилиш керак, деб Россиянинг қулоғига шивирлаётганда, мен бунга мутлақо асос йўқ, деб ҳисоблайман. Бундай блок бўлиши мумкин эмас. МДҲ ҳудудида ҳарбий-сиёсий блок тузиш мумкин эмас. НАТОга, агар сиз Шарққа томон борадиган бўлсангиз, у ҳолда биз ҳарбий-сиёсий блок тузамиз, деб уни қўрқитишга беҳуда уринишяпти. Жаноб Кристофернинг ташаббусига келганда эса, мен бу ҳақда эшитганим йўқ ва ҳеч нарса дея олмайман.

Савол: Жаноб Президент, Сиз Ўзбекистоннинг жаҳон демократия андозаларига қатъий мос бўлиш истаги ҳақида гапирдингиз. Шу билан бир вақтда Сиз республикада демократия жараёнларини ривожлантиришда қандайдир ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини айтдингиз. Бу хусусиятлар, аниқ қилиб айттанда, нималардан иборат ва сиёсий тажрибада улар қандай амалга оширилмоқда?

Масалан, мухолифат республика сиёсий тузумининг таркибий қисмими? Агар таркибий қисми бўлмаса, бу ўзига хос кўринишми? Матбуот «тўртинчи ҳокимият»ми, агар тўртинчи ҳокимият бўлмаса, бу ҳам Сиз айттан ўзига хос хусусиятнинг бир кўринишими?

Жавоб: Мен яна бир бор ўз фикримни такрорламоқчиман, хусусиятлар ҳақида гапирганимда, барча демократик давлатлар учун мутлақо бир бўлган умумий демократик меъёрлар ва талабларга қарама-қарши қўйишни кўзда тутганим йўқ. Сизларга тушунарли бўлиши учун яна қайтараман, хусусиятлар, масалан, Ўрта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз. Баъзи Ғарб мамлакатларида эса якка яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг республикамиз учун мос эмас. Айтайлик, бизда маҳаллачилик анъанаси жуда кучли. Маҳалла нима у? Бу одамларнинг ўзлари томонидан сайланадиган ва фақат моддий нуқтаи назардан эмас, балки оилани мустаҳкамлаш, шунингдек, шахслар ўртасидаги ўзаро инсоний муносабатларга таъсир кўрсатувчи ўз-ўзини бошқариш органидир. Бу ўз-ўзини бошқарув тизими катта ҳокимиятга эга ва биз уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаймиз.

Мен хусусиятлар тўғрисида гапирар эканман, Америкада шахс демократияси устувор бўлса, бизда бошқача меъёрлар асосида, яъни жамоат манфаатларига мос яшаш устунлигини айтмоқчиман.

Шарқ бу — Шарқ. Бу ернинг ўзига хос хусусиятлари бор. Дейлик, Жануби-шарқий Осиё, унинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Унга тўхталиб ўтирмаймиз. Ҳатто японча хусусиятларга ҳам тўхталиб ўтирмаймиз. Япония демократияси қайсидир Ғарб мамлакати демократиясига мутлақо ўхшамаслигини яхши тушунасиз. Мана мен гапирган ўзига хос хусусиятлар, уни демократиянинг умум меъёрларига қарама-қарши қўйишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Сиз демократиянинг умум меъёрлари, жумладан, мухолифат, «тўртинчи ҳокимият» — матбуот тўғрисида саволлар бердингиз.

Мен ҳеч қачон бу икки тушунчани бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи эмасман. Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг алоҳида демократиясини қураётгани ҳам йўқ. Мен бундай демаганман, демоқчи ҳам эмасман ва буни барча одамларга етказишда ёрдам беришингизни истардим. Ҳа, биз ўз жамиятимизда умумдемократик асослар негизида адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Бироқ бизнинг ўзимизга хос хусусиятларимиз борки, уни ҳеч қачон унутмаслик керак. Мен доимо шу тўғрида гапираман.

Матбуотга келсак, тўғри, у ҳозирча ҳар қандай де-

(Давоми. 4-бетда).

«ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

(Охири. Боши 2-, 3-бетда).

мократик давлатда эга бўлиши керак бўлган мавқеда эмас. Мен буни тан оламан ва вазиятни ўзгартириш учун шароит яратишга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Айтмоқчи, камчиликларга ва биз яшаб ўтган собиқ тузумдан мерос қолган боқимандачиликка қарши муросасиз курашадиган мухбирларни тайёрлаш юзасидан маълум бир ҳаракатлар бор. Улар бизнинг онгли тараққиёт йўлимизга ғов бўлган ҳамма нарсага беаёв бўлишлари лозим. Шундай мухбирлар ва газеталар яратиш керак, деб ўйлайман.

Менга Россия телевидениесининг собиқ бошлиғи Олег Попцовнинг бир фикри ёқади. Матбуот давлатни танқид қилиши керак, давлатнинг хатти-ҳаракатига танқидий назар билан қараши керак. Эҳтимол, айнан шу давлатни бошқараётган раҳбариятга, ҳукуматга манманлик ва коррупциядан қутулишга ёрдам берувчи воситадир.

Матбуот жамиятнинг соғломлашувига ёрдам бериши лозим. Бироқ баъзи мамлакатларда матбуот танқид қилади, аҳвол эса эскилигича қолаверади, бу бошқа масала. Бу ҳам, фикримга қўшилсангиз керак, демократия эмас. Ахир, Америкада биронта вазир бир-икки бор танқид қилинса, у шу заҳотиёқ истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Демократик давлатда худди шундай бўлиши зарур. Россияда эса хоҳлаганча танқид қилиш, «пўстагини қоқиш», ҳатто ҳақорат қилиш мумкин. Бундан бирон нарса ўзгариб қоладими? Шундай бўлгач, Россияда матбуот эркинлиги тўғрисида гапириш мумкинми?

Сиз минг эркин бўлганингиз билан вазиятга қанчалик таъсир ўтказа оласиз? Сизнинг газетангиз рўй бераётган воқеликка қай даражада таъсир ўтказиши мумкин? Тушунаман, одамларнинг кайфиятига таъсир этиш мумкин. Турмушга-чи? Буни ҳам ҳисобга олиш керак.

Мен сизнинг саволингиздан кўзланган мақсадни жуда яхши тушунаман ва биз бу борада яна кўп иш қилишимиз лозимлигини айтишни истар эдим.

Биз журналистларимизни хорижга ўқишга, жумладан, АҚШ, Германия ва Ҳиндистонга узоқ муддатли сафарга юборяпмиз. Бизнинг бир камчилигимиз хорижий тилларни билмаслигимиздир, агар чет тилларини яхши эгаллаб олганимизда эди, яна ҳам кўпроқ кишиларни ўқишга юборган бўлур эдик.

15 март куни журналистларимизнинг кичик бир гуруҳи АҚШга жўнаб кетади. Улар мустақил, танқидий тафаккурга эга журналист бўлиш учун америкаликларнинг тажрибасини ўрганишади. Агар имкони бўлганида эди, биз барча хоҳловчиларни Ғарбнинг энг яхши мактабларига малака оширишга юборардик ва шунда матбуотимиз ҳақиқатан ҳам тўртинчи ҳокимиятга айланган бўлур эди.

Мухолифат масаласига тўхталадиган бўлсак, мен бу саволга қисман жавоб бердим. Агар киши хоҳласа, сунъий равишда ўзига мухолиф яратиб олса бўлади. Бироқ бу мухолиф эмас. Менинг назаримда, мухолифат аниқ муқобил дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак. Яна қайтараман, муқобил, қандайдир дастурий позицияга таяниши лозим. Агар хоҳласангиз, расмий нуқтаи назар, расмий дастур билан рақобатлашиб, ҳурмат қозона оладиган ёки аксинча, аҳоли томонидан қабул қилинмайдиган мухолифат билан ишлашга тайёрман.

Лекин ёшларимизни Ўзбекистондан алдов билан хорижга олиб чиқиб, уларни қўл жанги санъати, отиш ва қўпорувчиликка ўргатган «Бирлик» ёки «Эрк»ни муқобил, амалий мухолифат, деб бўладими?

Биз бундай ҳаракатлар билан келиша олмаймиз. Бу мухолифат эмас. Шу боис мен яна ва яна айтар эдимки, бугун ташкил этилаётган партиялар ва ҳаракатлар Ўзбекистон давлати ва сиёсатини ривожлантириш бўйича муқобил вариантларга эга бўлиши учун интиляпмиз ва бунга эришишимиз шубҳасиз.

Лекин мен хоҳлар эдимки, ушбу муқобил вариантлар амалий характерга эга бўлсин, сиёсий кураш баррикадалар ва митингларда олиб борилмасин. Чунки бизда кишиларнинг сиёсий онги ва тажрибаси митингларга хос ҳаяжонни оқибати пушаймон билан эсланадиган воқеаларга айлантириб юбориши мумкин. Мен бу фикрни қайта-қайта такрорлашни истар эдим. Лекин биз бу соҳада анча етилиб қолдик, ушбу жараён бундан кейин янада тезлашади.

Савол: Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари муаммоси билан қизиқаётган халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари фаолиятига қандай муносабат билдирасиз?

Жавоб: Биласизми, очиғини айтганда, ушбу ташкилотларнинг Ўзбекистонга оид баёнотлари, дастлабки муносабатлари менда тушунмовчилик уйғотди. Лекин кейинчалик мен уларни рад қилмаслик, балки улар билан ҳамкорлик қилиш керак, деган қарорга келдим. Тажриба шуни кўрсатдики, кимки Каримовни буткул рад этса, уни Ўзбекистонга таклиф қилиш энг тўғри йўл экан. Мени рад қиладиган қанча кўп кишилар республикамизга келса, шунча яхши эканига имоним комил бўлди. Улар бу ердаги аҳвол билан танишиши, ҳақиқий вазиятни ўз кўзлари билан кўриши мумкин. Мен ҳар қандай киши билан учрашиш ва баҳслашишга тайёрман.

Яқинда АҚШда бўлганимда, «Хельсинки вотч» ҳуқуқни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти вакили билан учрашдим. Унинг менга берадиган жуда кўп саволлари бор экан. Шунда мен уни Ўзбекистонга таклиф қилдим. Буни қарангки, Ўзбекистонга у эмас, ундан ҳам юқори лавозимдаги шахс келди. Мазкур ташкилот делегацияси, менимча, деярли бир ҳафта мобайнида республикамизда бўлди, кўнгиллари истаган кишилар билан учрашди. Жўнаб кетиш олдидан делегация раҳбари мен билан учрашди ва Ўзбекистон ҳақида ўзлари фойдаланиб келган маълумотлар асосан ёлғон-яшиқдан иборат ёки нохолис эканини эътироф этди.

Мен бу масалага муносабатимни бутунлай ўзгартирдим. Ўзбекистонга қанча кўп шу каби ташкилотлар вакиллари келса, бу бизнинг манфаатимизга шунча кўп хизмат қилади.

И. КАРИМОВ: Мен энг ўткир саволни кутган эдим, назаримда, бундай савол бўлмайди шекилли?

Биласизларми, бу қандай савол? Мен ўз ишимдан қониқаманми? Ҳар куни дуч келинадиган қийинчиликлар баъзан шундай муаммолар туғдирадики, барча нарса учун масъул бўлган киши беихтиёр ўйланиб қолади, кечалари билан тўлғониб чиқади: шу йўл тўғримикин, ҳаммаси тўғри қилиндимикин? Энг олий ҳакам, менинг шахсий фикримча, кишининг виждонидир. Агар киши виждонли бўлса, уни виждондан бошқа ҳеч нарса қийнай олмайди. Барча танқидлар, барча ҳужумлар — киши ўзини тафтиш қилиши, ҳар сафар турли саволлар билан қийнаши олдида ҳеч гап эмас. Мен табиатан ҳамма нарсага, барча қилинаётган ишларга танқидий кўз билан қарайдиган одамман. Бу шубҳаланиш эмас, балки ўз-ўзини танқид қилиш, қабул қилинган қарорни яна ва яна таҳлил қилиб кўришга интилишдир.

Бугун собиқ шўро ҳудудида, қолаверса, бутун дунёдаги вазият шундайки, ҳамма нарсага ҳар доим ҳам ишониш мумкин эмас, воқеалар изчил кечаётгани йўқ. Ҳамма нарса кўнгилдагидек бўлмайди ва шу боис кўп ишлашга тўғри келади. Кўзланган натижага эса эришиш қийин. Атрофингда кўплаб турли тузилмалар, одамлар, команда, ёрдамчилар бўлишига қарамай, масъулиятни зиммасига олиши шарт бўлган кишилар уни елкаларидан соқит қилса, муаммони ҳал қилиши лозим бўлганлар бу ишни қилмаса, кундан-кун кишига қийин бўлиб бораверади. Шу сабаб, менда савол туғилади: нега йилдан-йилга истиқбол ёркин кўрина бошлаяпти-ю, ишлаш тобора қийинлашмоқда? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Агар бу ҳол яна давом этадиган бўлса, мен Президент, раҳбар сифатида қаерга бориб қоламан? Қачонгача барча масъулиятни зиммага олиш мумкин? Мен биламан, Ғарбда кўплаб раҳбарлар бамайлихотир турмуш кечиради. Уларда белгиланган иш куни мавжуд. Улар шанба-якшанба кунлари дам оладилар, ҳамма каби меҳнат таътилига чиқадилар. Бунинг сабаби шундаки, уларда бирон-бир раҳбарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлайдиган тизим барпо этилган. Мен худди шундай тизим бизда ҳам ишга тушадиган кунни орзиқиб кутаман. Масалан, ҳукумат ўзгаради, иқтисодиёт эса ўз йўлида ишлайверади, ҳеч қандай муаммо туғилмайди.

Биз ҳам ана шундай мустақил, барқарор ва ишчан тизим барпо этиш учун ҳаракат қиляпмиз. Лекин йилдан-йилга иқрор бўляпманки, биз вужудга келтираётган тизим ҳали ишга тушиб кета олмаяпти.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, сизларнинг ҳар бирингиз менинг жавобларимни, Ўзбекистонда кўрганларингизни мушоҳада этасиз. Уларни ўз ҳаётий дунёқарашингиз, бугун собиқ шўро ҳудудида юз бераётган барча воқеаларга муносабатингиз нуқтаи назаридан ёритасиз. Мен Ўзбекистондаги вазият билан қизиққанингиздан хурсандман. Мен тушунаман, бу ерда ўтирганларнинг ҳар бири ўзи тўплаган маълумотларни қайта кўриб чиқади, балки Ўзбекистонда кўрган айрим нарсалар сизлар учун бутунлай янгиликдир, балки баъзи нарсалардан кўнглингиз тўлмагандир. Лекин мен ушбу маълумотларни илк манбалардан олишга муваффақ бўлганингиз учун хурсандман. Бундан кейин ҳам сизларни шундай ҳамкорликка чорлайман, бир-биримизнинг қарашларимиздаги мавжуд қарама-қаршилик ҳеч қачон орамизга ўтиб бўлмас тўсиқ қўймасин. Биз ҳар қанча баҳслашишимиз, бир-бировимизга ўзимизнинг ҳақ эканимизни ҳар қанча уқтиришимиз мумкинлигини эътироф этаман. Қолаверса, барчамиз бизга ишонган кишилар манфаати учун хизмат қиляпмиз.

Ўзбекистон раҳбарияти, Президенти билан матбуотнинг муносабатларига тўхталсак, сизлар тез-тез келиб турсангиз, мен ҳам сизлар билан кўп учрашаман, бу эса ҳар икки томонга ҳам фойдалидир.

Мен Шарқда соддалик йўқ ва у ерда кишилар сирлироқ, дейиш урф бўлганига қарамай, халқимизга хос меҳмондўстлик, энг асосийси, одамларимиз қалбининг очиқлиги ва соддалиги сизларда катта таассурот қолдирганига умид қиламан. Шунингдек, ҳар қандай меҳмондўстлик журналистнинг холислигига, позициясига таъсир кўрсатмаслиги ҳақида бу ерда айтилган гапга тўла қўшиламан. Мен бизнинг меҳмондўстлигимизни бошқача, «Еган оғиз уялади» қабилида тушунишларига қаршиман. Яна бир марта қайтараман: ҳеч қачон мен бундай ҳолга йўл қўймайман. Агар бизда бу борада ўтмиш иллатлари сақланиб қолган бўлса, биз улардан қутулишга ҳаракат қиламиз. Сизларнинг сиймонгизда эса ўз ишини уддасидан чиқадиган профессионал журналистларнигина кўрамиз. Яратгандан сизларга омонлик тилайман, раҳмат.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ
илк бор
1996 йил 1 мартдан
депозит (жамғарма) сертификатларини муомалага чиқаради.
Сертификатлар —
250. 500. 1000 сўм
қийматида бўлиб,
сақлаш муддатига қараб
125 фоизгача даромад тўланади.

Сертификатлар Халқ банкининг барча бўлимлари томонидан чекланмаган миқдорда эркин сотилади ва сотиб олинади.

Халқ банки ўз мижозларига сертификатлар сақланиши ва улар бўйича бажарилган муомалаларнинг сирлилигига кафолат беради.

ХАЛҚ БАНКИ СЕРТИФИКАТЛАРИ — ОДДИЙ, ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИДИР!

Мурожаат учун телефонлар:
45-66-43. 78-29-45.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

CUKURS - BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС
UZBEKISTAN
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз,
СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўм бўлади.

Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси,6-уй 101-хона. Телефон: (3712) 34-05-07.

Бизнинг манзил:
Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Фарҳод кўчаси, 2-уй, 2-қават, 3-4 хоналар, 16-клиник шаҳар касалхонаси. Телефон: 50-80-17.

БУНИНГ УЧУН ФАҚАТ ҚЎНГИРОҚ КИФОЯ!

НЕМИС ХАНДАЛАРИ

УЧРАШМАГАН ЭКАНМИЗ

Бир куни Ханс мендан ўзининг қандай пайдо бўлганини сўради.

— Ўғлим, сени юрагимнинг остида ўстирганман, — дедим. У ўйлаб турди, сўнг опасини ҳам юрагимнинг остида катта бўлганми деб сўради. Менинг жавобимдан ҳайратланган Ханс:

— Қизиқ, нега биз ўша пайтда учрашмаган эканмиз-а?!

БИР БУРДА НОН

Кечки овқатга дастурхон атрофига тўпланишганда тўсатдан отаси сўради:

— Франк, синглинг бўлишини истайсанми?

— Йўқ, ота.

— Уканг-чи?

Франк яна бошини чайқади.

— Нима истайсан, бўлмаса?..

— Бир бурда нон, дадажон!

ҚУШНИ ДЎКОНДАН ОЛАСИЗ

Банкка ниқоб кийган одам отилиб кирди. Кассирга нимадир деб ёзилган қоғозни узатди. Кассир бош кутармай ўқиди ва бош чайқаб деди:

— Афсуски бизда беш фунт картошка, икки литр сут ва олти дона тухум йўқ, буларни қўшни дўкондан оласиз.

Немисчадан
Ш. ИМЯМИНОВА
ўгирди.

Central Asian-American Enterprise Fund
Asia Crossroads Loan Company

Ноябрь 1995

Общество с ограниченной ответственностью

СТРОЙСЕРВИС

4. 600. 000 долларов США
Уставной фонд

передано подписавшей стороне для производства высококачественных строительных материалов

Центральноазиатско - Американский Фонд поддержки предпринимательства

Ташкентская область Узбекистан

Хабарлар оқимидан

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

МАДРИД. Испанияда мамлакат парламентига сайлов бўлиб ўтди. Айни вақтда унинг натижалари аниқланмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳукуматга мухолиф бўлган эскича қарашларни ҳимоя қилувчи (консерватив) халқ партияси сайловда энг кўп овоз олди. Эндиликда мазкур партия вакиллари парламентдан 156 ўрин олди. Бу кўрсаткич, аввалги парламентдагига нисбатан 15 ўринга зиёддир.

Шунингдек, сайловда Испания социалистик ишчи партияси (ИСИП) ҳам катта муваффаққият қозонди. Унинг 141 аъзоси депутатлик ваколатини қўлга киритди.

МАОШ ЎРНИГА ВИНО

ХАБАРОВСК. Россия Федерациясининг «Камчаткоммунэнерго» ҳиссадорлик жамиятида хизматчиларга ўз вақтида маош тўлашнинг иложи топилди. Тўрт ойдан буён иш ҳақини ололмаётган корхона ходимлари эндиликда маошнинг ярмини вино ҳисобида олади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, корхона бош директори Николай Павелко маблағ танқислиги туфайли, ҳудуддаги тижорат билан шуғулланадиган фирмаларнинг биридан пул ўрнига вино қарз олган.

ГОНКОНГНИНГ КЕЛГУСИ ЙИЛДАГИ ТАҚДИРИ

ЛОНДОН. Гонконг фуқаролари ушбу ҳудуд 1997 йилда Хитой қарамоғига ўтгандан кейин ҳам Англияга визасиз келиш ҳуқуқини сақлаб қолади, деб таъкидлади Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор Гонконгга ташрифи чоғида.

Британия ҳукумати раҳбари Гонконгга мамлакат раҳбарияти таклифи билан келди. Чунки, маҳаллий ижроия кенгаши Буюк Британияни Гонконг Хитойга қўшилгандан кейин бу ерда демократик эркинликлар сақланиб қолишини ХХРдан талаб қилмаётганликда айблаган эди.

Гонконгда чиқадиган газеталардан бирида таъкидланишича, ХХР ҳукумати яқин орада Гонконгга ўзўзини бошқариш ҳуқуқини бериши ҳамда у тўла молиявий мустақил вилоят бўлиб қолиши ҳақида расман эълон қилади.

АФРИКАДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР

ВИНДХУК. Кейинги пайтларда кўплаб Африка мамлакатларида демократик ўзгаришлар жараёни рўй бермоқда. Айни кунларда Ғарбий Африкадаги Бенин давлатида президент сайлови кўппартиялилик асосида ўтаётгани халқаро ҳамжамият томонидан олқишланмоқда. Айни вақтда мамлакатда фаолият олиб бораётган етти сиёсий партия сайловга ўз номзодини кўрсатиш истагини билдирди.

Сайлов жараёнини 250 нафар хорижий кузатувчилар назорат қилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирча сайлов қоидаларини бузиш ҳоллари рўй бергани йўқ.

БИР ҚАРОРГА КЕЛИНДИ

ТЕҲРОН. Маълумки, Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний Эрон Ислом Республикасига ташриф буюрган эди. Президентлар Афғонистондаги фуқаролар урушини тўхтатиш борасида бир қарорга келдилар. Улар ушбу биродаркушлик урушини тўхтатиш ва йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда мамлакатдаги барча миллий ҳамда сиёсий кучларнинг тенг асосда иштирок этиши ўта муҳимлигини таъкидладилар.

ТУРКИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

Туркия халқи бўлиб ўтган парламент сайловларидан кейин қарийб икки ой давомида Тансу Чиллер ва Месут Йилмазнинг ўзаро келишиб олишини кутганди. Ватан ва Тўғри йўл партиялари раҳбарларининг коалицион ҳукумат тузиш ҳақидаги куни кеча қабул қилган қарорини ғарб йўналишини маъқуллаган кучлар қувонч билан кутиб олди.

Маълумки, Ислом фаровонлик партияси ўтган сайловларда энг кўп овоз олиб, парламентда кўпчилик ўринни ташкил этишган эди. Ушбу партия ғалаба қилганига қарамай, ҳукумат таркибига киритилмади. Янги коалицион ҳукумат кейинги парламент сайловларигача тузилган бўлиб, у беш йил муддатда мамлакатни бошқариб туради. Ҳукуматта Тансу Чиллер ва Месут Йилмаз навбатма-навбат раҳбарлик қилади. Биринчи бўлиб бу лавозимда М. Йилмаз ишни бошлайди. Икки етакчи партиялар раҳбарлари келишувига мувофиқ улардан бири ҳукумат бошлиғи бўлиб турган пайтда иккинчи партия вакили ҳукумат раиси ўринбосари бўлиб ишлайди. Вазирлик ва бошқа лавозимлар партиялар ўртасида тенг бўлиб олинади.

МАЛИКА ДИАНА НИКОҲНИ БУЗИШГА РОЗИ

Маълумки, Англия қироллиги оиласида икки йилдан буён шаҳзода Чарльз ва Малика Диана ўртасидаги келишмовчиликлар нафақат қироличани балки бутун англияликларни ташвишга солиб келаётган эди. Икки йиллик айрилиқдан кейин ва бунинг эвазига орттирилган кўпгина миш-мишлардан азият чеккан 34 ёшли Малика Диана охир-оқибат шаҳзода билан ажрашишга розилик берди.

Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Диана Уэльс маликаси унвонини ўзида сақлаб қоладиган бўлди. Айни пайтда Лондон шаҳрининг марказий қисмида жойлашган Кенсингтон саройида яшаш ҳуқуқи ҳам Дианага берилди. У шу билан бирга икки ўғли —Уильям ва Гаррини тарбиялаш масалаларига боғлиқ ишларда ҳам қатнашадиган бўлди. Лондон газеталарининг таъкидлашича, шаҳзода ва маликанинг никоҳи бузилиши жараёни натижасида Диана қарийб 15 миллион фунт стерлинг (24 миллион доллар) пул ҳисобида компенсация олади. Айтишларича, малика йилига қарийб 160 минг фунт стерлинг сарфлар экан.

Британия қонунларига кўра, агар эр-хотин никоҳни бузмоқчи бўлса, улар икки йил мобайнида алоҳида яшашлари лозим. Мабодо Диана яна никоҳни бузишни хоҳламаса, ундай ҳолда Чарльз яна уч йил кутиб туради ва Диананинг хоҳиш истагисиз ҳам никоҳни бузавериш ҳуқуқига эга.

ЛЎНДАСИНИ АЙТГАНДА

• Қирғизистонда янги ҳукумат таркиби тайинланди. Президент Аскар Акаев Фармони билан вазирликлар сони 16 тадан 21 тага етказилди.

***

• «Америка овози» хабарига кўра, Куба ҳукумати вакиллари ушбу мамлакатга тегишли ҳудудий ороллар да шу йилнинг февраль ойида уриб туширилган иккита Америка фуқаро самолётлари қолдиқларини топишди. АҚШ томони эса ушбу самолётлар Куба ҳудудида эмас, балки халқаро сув йўллари устида бўлган, деб таъкидламоқда.

***

• Ўтган пайшанба куни Россия Президенти Борис Ельцин мамлакат тўқимачилик ва енгил саноати ходимлари ҳар йиллик кенгашида иштирок этди. У ушбу соҳа ходимларидан бир гуруҳига давлат мукофотларини топширди.

***

• Си-эн-эн телекомпаниясининг хабарига кўра, душанба куни кундузги соат тўртлар чамаси Тель-Авив марказида «Дизенгофф» универмаги ёнида кучли портлаш юз берди. Бунинг натижасида 10 киши ҳалок бўлди.

«ФИАТ»НИНГ ЭГАСИ КИМ?

Жаҳон автомобилсозлиги

Италиянинг энг йирик автомобилсозлик фирмаси ҳисобланмиш «Фиат» ҳақида кўпчилигимиз эшитганмиз. Лекин, бу фирманинг йирик автомобилсозлик гигантига айланишининг ўзи бўлмаган. Бу компаниянинг эгаси Жованни Аньелли бўлиб, у 1892 йили 26 ёшида Туринга яқин жойда механикликдан ўз фаолиятини бошлайди. 1899 йили Аньелли Фиатни ташкил этади. Икки йилдан кейин унинг автомобиль фабрикаси 170 та автомобиль ишлаб чиқаради. 1910 йилга келиб автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 3500 тага етади. Дастлаб бир ўзи иш бошлаган Ж. Аньелли шерикликка Витторио Валеттани жалб қилади. Биринчи жаҳон уруши йиллари завод жуда катта буюртмалар қабул қилади. 1921 йилдан 1941 йилгача заводдаги ишчилар сони 13 мингдан 57 минг нафарга етади. 1945 йил декабрида Жованни Аньелли вафот этгач, унинг ўрнини невараси Джанни Аньелли эгаллаши лозим эди. Бироқ, бошқарувчи Валеттанинг саволига Жанни «Ҳозирча компанияни ўзингиз бошқариб турганингиз яхши», деган таклифни ўртага ташлайди. 1966 йилга келиб Витторио Валетта 82 ёшида «Фиат»ни бошқаришни Жанни Аньеллининг қўлига топширади. Жанни шу пайтдан бошлаб компанияда ўзига хос «инқилоб»ни амалга оширади. У биринчи бўлиб собиқ СССР билан Тольятти шаҳрида Вольжск автозаводини қуриш бўйича шартнома тузади. Айни пайтда Италиянинг ўзида автомобиль заводи бутунлай ислоҳ қилиниб, замонавий автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шу тариқа «Фиат» тамғаси босилган машиналар жаҳон бозорига кўплаб чиқарила бошланади. Компания кейинги пайтда Италиянинг «Стампа» газетасига ва йирик «Ювентус» футбол клубига ҳомийлик қилмоқда. Ҳозирда Жанни Аньеллининг ўзи ҳам 75 ёшга кириб қолган. У энди «Фиат»ни бошқаришни ўз акаси Умбертонинг ўғли Жованни Альберто қўлига топширишни мўлжаллаб турибди. Ўтган йил декабрь охирида Аньелли «Фиат» гуруҳи раислиги лавозимини тарк этганлигини, Аньеллилар авлоди вакили вояга етгунга қадар вақтинча бу ўринга Чезаре Ромитини тайинланганлигини айтди. Чезаре Ромити 80-йилдан бошлаб «Фиат» гуруҳи ваколатли бошқарувчиси вазифасини бажариб келяпти.

НОМЗОД ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Америка тарихида ҳали бунақаси бўлмаганди. АҚШ президентлиги лавозимига номзодлардан бири, республикачилар партияси вакили Алан Киз очлик эълон қилди. У Жанубий Каролина штатида сайловолди компанияси қатнашчиларининг анъанавий савол-жавоб кечасига уни таклиф қилмаганликлари боис шундай қилаётганини айтди.

Алан Киз — негр номзодларидан бири бўлиб, у консерватив радиодастури етакчиси ҳисобланади. Бошланғич сайловларда ҳаммадан ҳам орқада қолаётганининг сабаби — унинг алоҳида ташкилоти йўқ. Ҳатто телевидениеда ўзини реклама қилишга имконият ҳам тополмаяпти. «Бугунги кунда бизнинг мамлакатимиз пул ёки ахлоқ инқирозини бошдан кечираяптими? Бу саволни мендан бошқа ҳеч бир номзод ўртага ташлагани йўқ» дея ўзининг очлик ҳақидаги баёнотини берди Киз.

«МИЯ» ЎЙЛАНИБ ҚОЛДИ

Исроилда бундан ўн йил аввал энг катта банк ўмаришини амалга оширган «Мия» лақабли Исҳоқ Дрори ўн йиллик қамоқдан кейин озодликка чиқарилди. 52 ёшли И. Дрори қамоқхонадан чиқа туриб журналистларга чуқур фалсафий баёнот берди:

«Ўғрилик қилиш гуноҳ. Мен шунга амин бўлдимки, озодликдан кўра қамоқхонада ўтириш қийин».

«Бу фикр сизнинг миянгизга ўн йил аввал келмапти-да» деб сўради журналистлардан бири.

«Нима сиз мени жиноятчи деб ҳисоблайсизми?» — ҳайрон бўлиб сўради Дрори. «Агар мен сизга айтсам, мен жиноятчи эмасман. Фақат озгина бойимоқчи эдим холос».

Бу «озгина» қарийб 40 миллион долларни ташкил этарди. «Мия» ва унинг ҳамтовоқлари «Апоалим» банкини ўғирлаб ,шунча суммани бундан ўн йил олдин гумдон қилишмоқчи бўлишганди.

ХИТОЙ БОЙИМОҚДА

ХХР Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн бутун хитой халқ вакиллари мажлиси— Хитой парламенти сессиясида нутқ сўзлаб, ҳозир олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакат ялпи миллий ишлаб чиқариши ҳажми 2000 йилга бориб 1980 йилга нисбатан тўрт баравар ўсишини таъкидлади. Унинг айтишича, ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 4,1 фоизни, саноатда эса 17,8 фоизни ташкил этди. Беш йил ичида мамлакатда 840 та йирик капитал қурилиш иншоотлари барпо этилди. 11 минг км. янги темир йўллари ётқизилди. Қуввати 70 миллион киловатт бўлган энергоблоклар ишга туширилди.

Хориж капиталидан амалда фойдаланиш суммаси беш йил ичида 160 миллиард долларни ташкил этди. Бундан 70 фоизи хорижий ишбилармонларнинг Хитойга тўғридан-тўғри сармоя ажратиши ҳисобига тўғри келади. Ўтган йилнинг охирига келиб ХХР валюта заҳиралари 73 миллиард долларни ташкил этди. Хитой шаҳар аҳолиси амалдаги даромадлари ҳар йили ўртача 7,7 фоизга, қишлоқ меҳнаткашларининки эса 4,5 фоизга ўсди.

ФАЛАКНИНГ + - = ! ? ... ҒАРДИШИ

ҚАРИЙБ БИР КИЛОЛИ ЛИМОН

ВИЛЬНЮС шаҳрининг фуқаролари Дана ва Юзеф Лобачи ўз томорқаларида 900 грамм оғирликдаги лимон етиштирдилар. Гиннеснинг рекордлар китобида «фақат» 385 граммли лимон қайд этилган. Вильнюслик Лобачилар оиласи ўз рекордларини «Фактум» Литва агентлигида қайддан ўтказишди. Эр-хотин бу рекорд билан чегараланиб қолмасдан, томорқаларида лимоннинг бошқа бир турини ҳам етиштирдилар. Унинг оғирлиги 691,5 грамм бўлиб, диаметри 12 см.дан иборат.

БЎЙДОҚЛАР ЯРМАРКАСИ

Бошқирдистоннинг Дуван тумани Мители қишлоғи маъмуриятидаги бўйдоқлар ярмаркасини ўтказишга қарор қилди. Ушбу қадимий қишлоқда 16 нафар бўйдоқ бор. Очиғи, бу ердаги қизлар мактабни тугатишгач, шаҳарга ўқишга кетиб қолиб, у ерда шахсий ҳаётини бошлашяпти. Бундай ҳолат Бошқирдистоннинг кўплаб қишлоқларида мавжуд. Шу боис, якка қолган бўйдоқлар учун ярмарка ўтказишга мажбур бўлиняпти.

ШЎР БОДРИНГГА БАЛИҚ ИЛИНДИ

Петрозаводск шаҳрида яшовчи ҳаваскор балиқчи Василий Матушкин дам олиш кунларининг бирида Онега кўлига балиқ овлагани чиқди. У муз устига стулини қўйиб, қармоқни кўлга ташлаб мудраб қолди. Бундан фойдаланган ҳамтовоқлари қармоқдаги чувалчанг ўрнига шўр бодрингни илиб қўйишади. Лекин бироз вақт ўтгач, Василий қармоғини қаттиқ тортилаётганидан чўчиб уйғонади. Қараса — йирик балиқ шўр бодрингни тишлаб қармоққа тушибди. Бу Онега кўлида шўр бодрингга илинган биринчи балиқ, деб ҳисоблашмоқда петрозаводсклик ҳаваскор балиқчилар.

АРИНА ОЧЛИКДАН ЎЛДИ

Бунга ишониш қийин, лекин... Тиббиёт хулосасига кўра тўққиз ёшли гўдак Арина Балуева очлик натижасида вафот этган.

Россия қишлоқларининг нақадар камбағаллашгани ҳақида қанча ёзилди, қанча гаплар бўлди! Биз, фикримча, «Турмуши чор-ночорлик даражасида паст» тушунчасига ўрганиб қолдик. Аслида цивилизациялашган давлатда бу нарса ёввойилик сифатида қабул қилиниши керак. Ҳар холда ҳокимиятда турган баъзилар шунчалик даражада хотиржамки, буни тушуниб бўлмайди.

Кўринишича қашшоқлик миқёслари оч-ночорларнинг ўзидан бошқа ҳеч кимни даҳшатга солмаяпти чоғи. Бундан ташқари, Россия халқи яхши яшамаса-да , худога шукр, очликдан ўлмайди, деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу алданиш, жаноблар! Мана кўриб турган суратингиз яқингинада олинган. Лекин ушбу суратга қараб «буюк ўзгаришлар» даври архивларидан олинган деб ўйлайсиз. Катта оила. Эртанги кунга ишончсизлик билан қараётган ёки ўз болаларини боқа олмаслигига кўзи етганидан вино ичавериб юзлари қорамтир тусга кирган ота.

Она нимани бошдан кечираяпти — буни сўз орқали ифодалаш қийин. Ғамгин — ўз болалари очликдан азоб чекаётган онаизорнинг юзи бошқача бўлиши мумкин эмас. Кошки эди бирон нарса бўлса! Эҳ, аттанг ўша «бирон нарса»нинг ўзи ҳам йўқ-да, ахир!

Улар ўз фарзандларини болаликни бошдан кечираяптилар, дейишлари мумкинми? Эслайлик. Бир вақтлар мамлакатимизда болалар жамиятнинг имтиёзли синфи, «бахтли болалигимиз учун» жонажон ватанга раҳмат айтишимиз керак, деган гаплар бўларди. Бугунги оч-наҳор болаларни кўриб кимга раҳмат дейиш керак? Кимни айбдор ҳисоблаш зарур? Фақат ўз авлодининг жисмоний жиҳатдан яшашини таъминлай олмаётган оиланинг ўзи бунга айбдорми?

Бу бахтсиз одамлар Забайкальедаги Верх-Нарим қишлоғида яшашади. Афсуски, фақат уларнинг ўзи оч-наҳор эмас — балки бутун қишлоқ камбағаллашиб, ўтириб қолган. Маҳаллий совхоз ва ўрмон комбинати ҳам тугаб бўлди ҳисоб. Одамлар қаерда ишлашни билмай хуноб. Бинобарин энг зарур нарсаларни сотиб олишгада пул йўқ. Бу ердаги кўп болали Юкинлар оиласида фақат ота — Иван Васильевич ишлайди, холос. Лекин, афсуски, декабрь ойидан буён меҳнати учун бир рубль ҳам олмаганидан кейин нима фойдаси бор унинг.

Айримлар айтиши мумкин: давлат болалар учун нафақа тўлайди, деб. Майли-да, кўп бўлмасада, ишқилиб нонга етармиди... Лекин қишлоққа нафақанинг ўзи етиб бормаганидан кейин нима қилиш керак? Бизнинг давлатимизда ҳеч ким — ва ҳатто болалар учун ҳам пул йўқ.

Одамлар томорқаларда у-бу етиштириб кун кўришяпти. Бироқ табиат неъматларининг ҳам чегараси бор-ку. Айниқса, бу ерда — Сибирда. Одамлар қишдан картошка еб «чиқиб олдилар». Мана, бугунга келиб картошка ҳам тугаб боряпти.

Буларнинг ҳаммаси ваҳимали тушга ўхшайди. Ёки уруш йилларини, у даврдаги аянчли эвакуация ҳолатларини эслатади. Лекин, минг афсуски, буларнинг барчаси — ҳаётий ҳақиқат. Қишлоқ қабристонида дўппайиб янги қабрча пайдо бўлди. Шу билан битта нонхўр камайдими?..

Татьяна ВОЛКОВА,
Владимир САЯПИН (РАТА ТАСС) суратлари.

(«Труд» газетасининг 6 март сонидан.)

ТЎРТДА ОЛАМ

• 33 ёшли неаполитанкалик аёл Кармелла Каротенуто бир йўла 6 эгизаклик бўлди. Уларнинг тўрт нафари ўғил ва икки нафари қиз. Кармелла кўзи ёригандан кейин ўзини яхши ҳис қилмоқда. Унинг эгизаклари врачлар эътиборида турибди.

***

• Бангок аэропорти техник хизмати маълумотларига кўра, ҳар бир халқаро рейсларда ўртача учтадан жамадон йўқолмоқда. Ҳар куни Таиланд пойтахтидаги аэропортдан халқаро рейслар бўйича 145 та самолёт учяпти. Шулардан 400 нафар йўловчи ўзларига тегишли юкларни тополмай сарсон.

СПОРТ

• Италиянинг «Милан» клубида ўйновчи «Олтин тўп» соврини эгаси, либериялик ҳужумчи Жорж Веа яна бир африкалик футболчи П. Визйра билан катта магистраль йўлда кетаётиб авариянга учради. Лекин икки футболчи ҳам соғ-омон қолди. Автомашина йўл чеккасидаги қозиққа урилиб ағанаб тушди. Футболчиларни машина ичида автоматик тарзда ишга тушган ҳимоя ёстиқчалари қутқариб қолди.

***

• Баскетбол бўйича Европа кубоги финалчилари аниқланди. Булар Грециянинг «Паок» ва Испаниянинг «Таугрес» клубларидир.

***

Маълум бўлишича, спортда отлар ҳам йирик даромад келтирувчи манба ҳисобларкан. Масалан, Бест Пэл лақабли Америка оти ўз эгаларига 5 миллион 668 минг доллар фойда келтирган. У саккиз йил пойгада қатнашиб, кейин «пенсия»га чиққан.

(Хориж матбуоти материаллари асосида Аслиддин БОЛИЕВ тайёрлади).

Мен севиб яшайман гуноҳларимни...

Хосият БОБОМУРОДОВА.

МЕН ҲАМ АХИР...

Гуноҳларим менга бўйсунмас,
Жуда ўткир, жуда шартаки.
Илтижо қиламан, виждоним
Юзларимга урма тарсаки.

Гуноҳларим, кечиринг мени,
Мен ҳам ахир фаришта эмас.
Бу дунёда пок яшасанг ҳам,
Ҳеч ким бунга ишонай демас.

Кўзларимни катта очаман,
Ҳушим келар жойига учиб.
Гуноҳларим ташлаб қочаман,
Қувонч келар ортимдан қучиб.

Ғийбат-туҳмат исканжасида,
Юраккинам ёнар ўкиниб.
Парво қилмай яшайвераман,
Гуноҳларим кетар тўкилиб...

Матлуба АЗАМАТОВА.

АЙРОЛИҚ АШЪОРИ

Мен ружу қўймадим, фоний дунёга,
Ҳаётим йўймадим қалтис риёга,
Сиғиниб яшадим Ишққа, Баҳорга
Биродар, кел кемтик кўнглимни тўлдир.

Кузимни кутмадим кўзда ёш билан,
Савдолар оғритган маъюс бош билан.
Кўпларим ўтдилар баҳс-талош билан,
Биродар, кел мунгли онимни тўлдир.

Душманнинг ваҳмидан яшадим қўрқмай,
Ўзганинг ошига қўлимни тиқмай.
Лек болам армони янчди гул-ўқдай,
Биродар, кел тоғдай армонни ўлдир.

Боғ аро изладим ўз гули — сайдим,
Момонинг дуторин қўллар кўмсади.
Айролиқ ашъори Сизга, қўнса дил,
Дўстим, Шарофатни шеър аро қидир!
Биродар, кел кемтик кўнглимни тўлдир.

Шарофат БОТИРОВА.

ҚИСМАТ

Қўқонларда қайрағочлар қайрилади,
Соғинчлардан жоним тандан айрилади.
Энди жоним қалдирғочга айланади,
Эҳ, худойим, онагинам омонмикан?..

Қўштепада қўша-қўша тўйлар ўтар,
Сингилларим опасини кунда кутар.
Бир йигит бор, севмасам ҳам севиб ўтар,
Севги бизга эрмак, унга армонмикан?..

Қўқон шамол... биз тарафга нотинч эсар,
Изтиробли ўйлар билан хаёл кезар.
Ҳовлимизда мен экмаган гуллар ўсар,
Йўл қараган сўқмоқ менга зормикан?..

Кўнгилгинам мусофирдай кетаверар,
Ою куним этагидан тутаверар.
Онагинам йиғлаб-йиғлаб кутаверар,
Кўнглимни деб умрим абад хазонмикан?..

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА.

***

Қарамаса қарамас,
Ҳеч кимсадан сарамас,
Кўзларига тун ботмас,
Қошларида тун ётмас.

Қарамаса қарамас,
Қилмайин-а энди қасд.
Дарёга солсам лангар.
Кўксимга ботди ханжар.

Дил изҳорлари

Қарамаса қарамас,
Кўнглим унга зор эмас,
Баланд-баланд тоғи бор,
Юрагида доғи бор.

Қарамаса қарамас,
Бўлайинми яна маст.
Нигоҳлари шароб-ку,
Тутмагани савоб-ку!

Қарамаса қарамас,
Ўша сочим тарамас,
Ўрмонида излар бор,
Қувалайди — қизлар бор...

Қарамаса қарамас,
Ҳеч ким унга зор эмас,
Бу йўлак кўп тор эмиш,
Боз устига қор эмиш.
Қарамаса қарамас...

Маҳмуда ЖЎРАЕВА.

ХАНДОН БЎЛАЙИН

Жоним десангиз жонингизга жон бўлайин.
Дили пурдард эсангиз кучу дармон бўлайин.

Сиз ҳам айтинг-а бечора бу кўнглим учун,
Дардинга илож эттали Лўқмон бўлайин.

Бор жони ила севар-ку ҳазрати аёл,
Кўнгилга ёқар сўзни денг, шодон бўлайин.

Хуш суханингиз гулдек чиройим очиб,
Сизга ҳуснли Юсуфдек моҳтабон бўлайин.

Яна Бибисорангиз очиқ айтди оқ кўнглини,
Ёзғирган буни ёзғирсин, мен кулиб хандон бўлайин.

Бибисора ОТАЕВА.

ОНАЖОН

Онажон, соғиндим, қанийди ҳозир,
Қанотим бўлганда учиб кетардим,
Иссиқ бағрингиздай очиқ уйимга,
Интизор бўлмасдан дарров етардим,

Сизнинг кўксингизга бош қўйиб узоқ
«Энди кетолмайман» дея айтардим.
Мен отамни излаб тополмай, бироқ—
Ҳар гал уйимиздан йиғлаб қайтардим.

Худойим, бандангман, илтижо қилай:
Керак бўлса берай азиз жонимни.
Илтижо қиламан, битта тилагим —
Умри узун бўлсин онажонимнинг.

Шоҳсанам ТЎРАЕВА,
Тошкент Давлат педагогика институти талабаси.

КЎНГИЛ

Кўксим куйиб сизга кўнгил қўйибман,
Яшашни истайман севиб, севилиб.
Бошимга муҳаббат тожин кийибман,
Ойдай юзларимни шабнамга ювиб.
Бахтиёр кунларим кечикса ҳамки,
Ишқим мангу қолсин соғу саломат,
Тушга айланмасин севгимиз токи
Мудом чорлаб турсин бизни саодат.
Суянган тоғимга суяниб яшай,
Тақдирни тақдирга қўшиб тоабад.
Манзилга етайлик, сира адашмай,
Умримиз маёғи бўлсин муҳаббат.

Фотима СИРОЖОВА.
Сурхондарё вилояти.

Бу онам тангрининг бахтли оғида
Айри ихлос билан яратгани чин.
Қароғида меҳр шамлари ёниқ
Гуллаган ўрикдай ораста отин.

ЗУЛФИЯ.

ЎЗИНГИЗ УЧУН ҲАМ ЯШАНГ!

Субҳидамда одатим шеър ўқийман. Бу саҳар ҳассос шоирамиз сатрларининг ҳар бир сўзи мағзини чақиб, ҳаяжонга тушдим. Кўз қароғида меҳр шамлари бир умр ёнган, гуллаган ўрикдан беғубор оналар учун биз фарзандлар нималар қила олдик?

— Ҳар йили 8 Мартда онамга бир яхши кўйлаклик олиб бораман, — деган эди бир танишим.

— Яша, ҳимматли эксан! — Лекин дарров тиктириб кия қолмайдилар-да. Йиғиб-йиғиб юриб, тўй қилсак, олиб келадилар, ёнига қўшиб. Бугун ҳам: «Бекор овора бўлибсан, болам, кўйлакларим кўп эди, ўзинг тинч бўлсанг, бас!» дедилар. Мен барибир фарзандлик бурчини адо этиб, ҳар йили кўйлаклик олиб бораверамаи.

У ўз ишидан ўзи хурсанд бўлиб, йўлида давом этади. Мен эсам ўйга толдим. Бурчнинг қирралари кўп, мазмуни чуқур эмасми, дўстим! Майли, кўйлак ҳам керак оналарга. Лекин биламанки, унинг онаизорига кўйлакдан ҳам заруррроқ бир нарса керак. Бу — энг аввало, фарзандининг покиза, тинч ҳаёти, комил инсон бўлиб яшаши ва яна, энг муҳими, меҳри-муруввати, иссиқ дийдори. У эса...

Меҳрни, ширин сўзни, оромни, юмшоқ таомлару олма-анорни бир йилда бир марта ҳадя қилган билан бурчимизни адо эта олдик, деб ўйласак, ярашадими? Шукр қил, шунга ҳам, дегувчилар бор.

Йўқ, мен 360 кунни 24 соатга кўпайтираман — 8760 соат! Шу соатларнинг ҳар бирида, ҳатто дақиқаларда ҳам оналарга меҳр зарур, хотиржамлик зарур. Айнан фарзанд меҳри, айнан фарзанд сўзи, айнан фарзанди илинган икки дона юмшоқ нон. Айнан, фарзандим тинчмикан, деган саволга жавоб. Бошқа ҳеч кимнинг, ҳатто ўзининг нафақа пулига топганлари ҳам бунчалик лаззатли эмас. Кўни-кўшни, қариндош-уруғлар ҳадя этган шодлик ҳам татимас.

Ёшим кетиб-кетиб, тордай арангман,
Капалак шарпаси тегса узилур...

Нақадар рост, нақадар теран ўхшатиш. Ҳай, кекса ота-оналарнинг капалак қанотидан ҳам юпқа қалбини, юрагини ҳис этсак, олтинга баробар сўзларини ёнларида ўлтириб тингласак, кўзларига яхшироқ қарасак — бир жойимиз камайиб қолмас. Хатти-ҳаракатимиз, турмуш тарзимиз, тилимиз билан уларнинг нозик дилига заррача озор етказмаслик йўлларини ахтарсак — қўлимиздан келар...

8760 соатнинг лаҳзаларини санаб, Яратгандан фарзандининг умрини тилаб, уни кутади она. Агар унинг фарзанди хабар олишни кечиктирса, ноҳақ гап қайтарса, нопок ишларга қўл урса — она ҳолатини чизишга қалам ҳам ожиз.

Фарзандларини не-не умидлар, ширин орзулар билан улғайтириб, едириб-ичириб, билимли, ҳунарли қилгач, бор-йўғини сарфлаб узатади, уйлантиради. Биз, фарзандлар эса бу билан қаноатланмай, ота-онамиздан яна янги туҳфалар кутаверамиз. Машина, уй, гилам... Тўй қилсак — катта-катта саруполар. Гоҳо турли савдолар, ташвишлар содир қиламиз, ироними дамиз сустлигидан.

Ўзингиз учун ҳам яшанг, ОНАЖОН, ОТАЖОН! Энди мен сизга парвона бўлай, энди мен сизни сўлим жойларга дам олишга юбориб, тинчлик, осойишталик ҳадя қилай, умрингизга умр қўшай, онажон, дейдиган фарзандлар ҳам бор. Лекин ҳаммаси эмас-да! Байрам тонгидаги эзгу орзуим ана шу ҳақда!

Ўйлайман, номлари тарихда қолган буюк боболаримиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Алишер Навоий каби алломаларимиз Оналарни, Аёлларни севиш, ардоқлашни ниҳоятда кучли эҳтиром-у эҳтирос билан таъкидлаганлар. Нечун?

Бу сиёсий, маънавий ҳақиқатнинг, инсоний етукликнинг мағзини чақинг, ўйланг.

Тошкентда халқаро хотин-қизлар йиғини бўлганда бир японияли жамоат арбоби билан суҳбатлашган эдим. Беихтиёр унинг ёшини сўрадим. Олтмишдаман, деганда ҳайратландим. Чунки кўриниши, юзларининг анчагина текислиги, бақувватлигига қараб, қирқ-қирқ бешдадир, деб ўйлагандим. Ва фикримни унга айтдим.

— Бизда аввало рўзғор техникаси мукаммал, — деган эди у. — Кир ювиш машинасига кирларни солиб қўйиб, бемалол китоб ўқиб, дам олиш мумкин. Ўзи ювади, қуритади, дазмоллайди. Сабзавот, меваларни бир неча дақиқада тозалаб, тўғраб берадиган, хамир қорадиган, уйларни чинни-чироғдай тозалайдиган асбобларимиз бор. Яна энг муҳими, биз япон аёллари уч соат ишлаймиз, холос. Қолган вақтимиз болаларга, ўзимизга, оилага бағишланади...

Аёл кўз ўнгимда яна ҳам яшариб, яшнаб кетди.

Ҳа, шу бугунги кутлуғ байрам тонгида мен Ўзбекистон аёлларига, корхоналарда, ижодхоналарда, далаларда ишлаётган аёлларга, оналарга қисқа иш соатлари насиб этишини, маиший хизматлар мукаммал ҳолат касб этишини орзу қилардим. Ахир улар шул азиз Ватан деб, болам-чақам деб, орзу-ҳавасларим ушалсин, деб ишлаяптилар. Уларга ҳам энг зарури раҳбарнинг жиндек меҳри-муруввати, икки оғиз ширин сўзи, озгина эътибори. Улар эркаклардан ақалли икки соат олдинроқ уйга кетишса, мажлисларда камситилмаса, улуғ айём кунларида гуллар, кўнгил учун озми-кўпми туҳфалар ҳадя этилса — ҳаётимизга янада мазмун киради. Бу — тотувлик, узоқ умр, баркамол оила, етук фарзандлар... демакдир.

Ана, тонг оппоқ ёришди, кўчалар гавжумлашди. Биз фарзандлар волидаларимизни, опа-сингилу бувижонларни табриклаш учун йўлга чиқамиз. Илоҳим, бу йўл бизни Оналар, опа-сингиллар ҳузурига тез-тез бошлаб борсин!

Санъат МАҲМУДОВА.

«ОНАЖОНЛАР» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Аввал қуйидаги шеърий сатрларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Абдулла Орипов:
Йўқмиди ҳеч ўзга гапинг—
Нола қилиб сўзласанг.
Наҳот, ахир сўнгги дам ҳам,
Фарзандингни 19, 23, 7, 1, 8, 1, 6, 11.

2. Миртемир:
Аёл — бу ҳаётда тўлин ойсимон,
Дўстимизсан мушкулларда бегумон.
Боғлайсан ўқ есак жангда ногаҳон. 20, 1, 5, 16, 1, 6, 15, 2 —дилбандга эса мехрибон.
Онажонлардир, онажонлар...

3. Ҳамза:
... Йўқ бизга онадек меҳрибон,
Сийнага қалқон 13, 4, 21 узра соябон.

4. Собир Абдулла:
Оналикнинг мазмуни жаҳон билан 9, 22, 6, 11
Навоий айтган жаҳон — шу мушфиқ она.

5. Асқад Мухтор:
Онам менга юрак ато этган—
Меҳру муҳаббатга лим-лим тўлсин деб.
Эзгулик ва 14, 3, 15, 12 камолга етган.
Гўзаллик куйчиси бўлсин деб.

6. Шуҳрат:
Дунё кўрдим, 18, 7 -юрт кездим бир талай,
Биттасида фидо рамзи онадир.
Биттасида она кўзи куралай.
Ху биттаси бахт дардида ёнадир.
Лекин билдим ҳаммасидан меҳрибон,
Ҳаммасидан чиройлиги ўз онам.
Меҳри жаҳон,
жаннат макон 20, 2, 15, 4, 17, 4, 6.
Олам ичра қиёси йўқ, бир олам.

7. Маҳмуд Ҳасанов:
Боққа кириб қолдим бир куни бехос.
Қарасам, 9, 4, 10, 7, 1, 6, 2, 13 турибди чарос.
Дедим: — шунча лутфу назокат қайдан?
У деди: — ҳаммаси онамдан мерос!

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, ўйланмани ҳал этинг. Бунда тўрт мисра ҳикмат ва унинг муаллифи бўлган улуғ мутафаккир шоир номи аён бўлади. Ушбу мисралар қайси асарга мансублигини биласизми?

Тузувчи : Фозилжон ОРИПОВ



Термиз шаҳридаги масъулияти чекланган жамият «Электрқурилиш-таъминот» корхонасининг ҳамда шу шаҳардаги «Атлантика» тижорат ишлаб чиқариш фирмасининг думалоқ муҳрлари ва тўртбурчак штамплари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Расмни А. ҲАКИМОВ чизган.

Азиз хотин-қизлар!

Сизларни Халқаро хотин-қизлар куни - хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни эътироф этилган кун билан қутлаймиз. Ўзбекистон барча аёллари саломатлигини соғломлаштириш мақсадини ўз олдига қўйган "Қизил олма" дастури сизларни 7 март куни "Қизил олма" рамзи туширилган дорихоналарга таклиф этиш шарафидан баҳоят мамнун.

"Дори-дармон" уюшмаси.
Юнусобод тумани, 3-дорихона,
Мирзо Улуғбек тумани, 58-дорихона,
Шайхонтоҳур тумани, 33-дорихона,
Яккасарой тумани, 56-дорихона,
Ҳамза тумани, 2-дорихона,
Акмал Икромов тумани, 83-дорихона,
Сирғали тумани, 65-дорихона,
Собир Раҳимов тумани, 98-дорихона,
Чилонзор тумани, 63-дорихона,
Миробод тумани, 4-дорихона,
"Жўрабек" дорихонаси,
"Ибн Сино" дорихонаси,
"Фармед" дорихонаси,
"Иверсон" дорихонаси,
"Доктор Реддис лаборатория" дорихонаси.

ГЎЗАЛЛИК НАЙРАНГЛАРИ

«Аёллар ҳуснининг сирини ёлғиз ошиқу файласуфгина билиши мумкин», деганда буюк Шамфор қанчалар ҳақ. Шуниси борки, ҳали косметика бир изга тушмай турибоқ аёллар пардоз-андоз билан машғул бўлганлар. Аммо бу ҳар бир даврда, ҳар бир халқда ҳар хил кечган.

Африканинг қадимги аҳолиси баданга суратлар чизиш, сўнгроқ чиғаноқ, суяклар билан танани тилиб расм солишда гўзалликни кўрганлар. Яралар битгач, баданда гўзал тасвирлар бир умрга муҳрланиб қолган...

Қадимги Миср аёллари эрамиздан икки минг йил илгариёқ юзларини оқартириш, лабга олу ранг тус бериш, терини ёш кўрсатиш мақсадида қора илон ёғи, қора мол ёғи, қарға тухуми, арслон ёғи, сирачдан турли пардоз бўёқлари тайёрлаганлар.

Грециялик хонимлар эса гулоб сувида чўмилиш, хушбўй атирлар сепиб юришга ўч бўлган. Биз билган Гиппократ аёллар учун махсус упалар, бўёқлар, ажинларни кетказадиган аралашмалар тайёрлаб берган.

Римда ҳар бир бойвачча хонимнинг пардоз қутичаси бўлиб, империя даврида аёллар пардоз-андоз учун қоп-қоп пул сарфлаган. Қош-кўзлар қаватқават бўялавериб қалдирғоч қанотини доғда қолдирган. Лекин пардоз қилиш ҳаммага ҳам мумкин бўлмаган.

Пардоз тарихидан

Ҳинд аёлларини ўсма-сурма асло тарк этмаган. Юз ва бўйинларига оппоқ упа қўйиб, ёноқларига қизил, тишларига жигарранг бўёқда оро берганлар. Икки қош орасига қўйилган хол Аллоҳдан яхшилик сўраб туради деб ишонганлар. Шуниси борки, хол турмушга чиққан аёлларгагина хос бўлиб, ҳар бир хол ранги, шакли, белгиси билан бошқаларидан фарқ қилган.

Япон аёлларининг пардози шу даражага бориб етганки, терининг ҳақиқий рангини англаш мушкул бўлиб қолган. Оврупаликлар таъсирида лаблар яшилтоб бўёқда бўялган. Олий табақали хонимлар қошларини мутлақо териб ташлашиб, исталган ранг билан бўяб қўя қолишган.

Францияли хонимларга етадигани кам. 1644 йилдаёқ юз ва соч парвариши бўйича маслаҳат кенгаши тузишган. Аммо озодаликка кўп ҳам эътибор беравермаган.

Пардоз-андоз тарихида ғаройиб воқеалар ҳам бўлган. Хусусан, бир замонлар ҳаддан ортиқ бўянишни қиролликлар махсус фармойиш билан таъқиқлашган. Аммо бу қонун ва фармонларга дунё аёллари заррача пинак бузмай, ўз билганларидан қолмаганлар.

Гулжаҳон МАРДОНОВА.

ЁНИМДА БЎЛИНГ

Қуёшнинг ҳар куни чиқиб-ботишини ҳам мўъжизага йўйиб яшай оладиган одамларга ҳавасим келади.

* * *

Сизни суянишим мумкин бўлган тоққа қиёслагим келмайди. Чунки сизнинг баланддамас — ёнгинамда бўлишингизни истайман.

* * *

Балки ишонмассиз. Лекин мен метро вагонларида ўтирган кишилар билан автобус деразасидан қараб кетаётган йўловчиларнинг нигоҳларида катта тафовут сезаман. Бирларида лоқайдлик, бирларида иштиёқ кучлидай. Ер ости бирлан Ер юзи ўртасидаги фарқнинг салмоғини шу оддий ҳодисада кўргандай бўламан.

Кўнгилдан кўчирмалар

* * *

Меҳмон, барибир, яхшилик аломати. Одам ҳеч қачон ёмон ният билан меҳмонга отланмайди ва меҳмон кутмайди. Ёмон ниятли киши меҳмон дейилмайди ҳам...

* * *

Инсон ўзига ёққан ҳаммани ва ҳамма нарсани ҳамиша ҳам соғинавермас экан. Масалан; мен қорни яхши кўраман. Лекин уни баҳорда ёки кузда ҳеч қачон соғинмайман. Қор ҳақида қор ёғаётган пайтдагина ўйлашим ёки ёзишим мумкин. Кузни эса тўрт фаслда ҳам бирдай соғинавераман.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 12 мартда чиқади.).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120
• Газета офсет усулида А—2 форматида 35497 нусхада босилди
• Ҳажми 2 босма табоқ
• Г — 0122

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22. 30. 1 2 3 4 5 6.